Бутун дун'ё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

№ 193 (6620)
27 сентябрь 1946 йил
Жума
Баҳоси 20 тийин

Ўзбекистон Коммунист(большевик)лар партияси Марказий Комитети, Тошкент область, шаҳаркомитетлари ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг органи

Илмий-оқартув пропагандаси кучайтирилсин!

Кенг меҳнаткашлар оммасини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш большевиклар партиясининг жонажон ва энг муҳим вазифасидир. Шу сабабдан ҳам партиямиз омма орасида олиб борадиган илмий пропаганда ва агитация ишларига доимо алоҳида э'тибор бериб келмоқда. Меҳнаткаш халқ ўз мамлакатининг тақдири блан жуда қизиқади. Ижтимоий тараққиёт қонунларини англаб олишга ва ўзининг оммавий ишида бу қонундан фойдаланишга интилади.

Оммани коммунистик руҳда тарбиялашда илмий-оқартув пропагандасининг роли ғоят катта. Бу, партиямизнинг меҳнаткашлар ўртасида мафкура соҳасида олиб борадиган ишларининг муҳим участкасидир. Аҳолининг кенг табақаси ўртасида илм-фанни пропаганда қилиш меҳнаткашларнинг дун'ёга материалистик асосда қарашларига катта ёрдам беради. Табиатнинг юксалиш қонунларини, ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, одамнинг келиб чиқиши, қуёш системасининг пайдо бўлишини илмий асосда исботлаб бериш — меҳнаткашларнинг маданий савиясини оширади, водонлик ва хурофий сарқитларни битиради. Табиатдаги ҳодисаларни материалистик асосда пропаганда қилиш, фан, техника ва маданият соҳасида эришган буюк ғалабаларимизни кенг халқ оммаси онгига етказиш барча партия, комсомол, профсоюз ташкилотлари, илмий-оқартув муассасаларининг энг муҳим вазифасидир. Илмий-оқартув пропагандасини ривожлантириб, халқни тарбиялашимиз ва ғоявий жиҳатдан қуроллантиришимиз лозим. «...Биз совет кишисининг энг яхши фазилат ва хислатларини кўрсатиб, уларга истиқболни очиб бериш блан бирга, кишиларимизга уларнинг қандай бўлишлари кераклигини, ўтмишнинг сарқитларини, я'ни совет кишиларининг олға боришига халақит берадиган сарқитларни йўқотишлари лозим эканлигини ҳам кўрсатишимиз керак...» (Жданов).

Вазифа, ҳозирги вақтда мафкура соҳасидаги ишларни ҳартарафлама кучайтириш, оммани сиёсий жиҳатдан тарбиялашни ҳаркачонгидан ҳам янада кенгайтиришдан иборатдир.

Оммани сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ишида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганини кўп жойда учратиш мумкин. Ба'зи партия ташкилотлари кейинги вақтда илмий-оқартув пропагандасини тамоман бўшаштириб юбордилар. Масалан, Сирдар'ё районида сўнгги беш ой мобайнида илмий мавзу'да битта ҳам лекция ўқилмади. Бунга илмий кадрлар, ихтисосли лекторларнинг йўқлигини баҳона қилиб кўрсатадилар. Аммо, Сирдар'ё районида 150 тадан кўпроқ олий ва ўрта ма'лумотга эга бўлган ўқитувчилар, ўнлаб пропагандист, агитатор ҳамда илмий ходимлар бор. Бу катта куч, албатта. Аммо, ЎзК(б)П район комитети пропаганда-агитация бўлимининг мудири ўртоқ Сафиннинг ана шу кучни кўрмай қолиши кишини таажжублантиради. Меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий ишларнинг сусайиб кетганлиги хурофий та'сирнинг жонланишига кўп жиҳатдан сабаб бўлганлиги тамомила аёндир. Чунончи: райондаги «Биринчи май» колхозида ба'зи бир тескаричи кишиларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракати орқасида хурофий ишларга берилиш кайфияти кучайган. Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Бекмуродов зарарли уринишларга қарши зарба бермаган.

Фарғона областининг Водил, Олтиариқ районлари, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида, Самарқанд областининг Ғаллаорол, Жиззах ва Комсомол районларида илмий оқартув пропагандаси соҳасида дуруст иш қилинмаётганини кўрсатадиган фактлар озмунча эмас. Бу районларнинг раҳбар ходимлари меҳнаткашлар оммасини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш қисқа муддатли иш бўлмай, балки бу соҳада қунт блан жиддий иш олиб бориш кераклигини унутиб қўйдилар. Ҳозирги вақтда ана шу камчиликларга қат'ий хотима бериш лозим. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, маҳаллий совет ташкилотлари, халқ маориф бўлимлари ва илмий-оқартув муассасалари меҳнаткашларни ҳаётбахш совет ватанпарварлиги руҳида, шонли Ленин-Сталин партиясининг улуғ ишига охиригача берилганлик руҳида тарбиялаш блан доим шуғулланишлари, бунинг учун большевистик пропаганда-агитацияни кенг қўламда қизитиб юборишлари керак.

Илмий-оқартув ва тарбиявий ишларни кучайтириб юбориш учун большевистик пропаганда ва агитациянинг барча воситаларидан фойдаланмоқ зарур. Бунинг ма'носи шуки, матбуот, бадиий адабиёт, сан'ат, радио ва кино иши юқори даражага кўтарилсин. Булар меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялашда партиямизга энг яқиндан ёрдам берсинлар. Аммо илмий-маданий ишларни олиб боришда бевосита жавобгар бўлган ана шу муассасаларнинг амалий иш фаолиятида катта камчиликлар бор. Масалан, Ўзбекистон радио эшиттириш комитети илмий-оқартув мавзу'ларида жуда кам лекциялар уюштиради. Адабиёт соҳасида хурофий та'сирга қарши ёзилаётган нарсалар йўқ десак бўлади. Газеталаримизнинг бу соҳада олиб бораётган ишлари тамоман қониқарсиз. Фарғона областида чиқадиган «Коммуна» газетаси, Сурхондар'ё ва Қашқадар'ё область газеталари бу тўғрида ҳеч нарса демайдилар. Ваҳоланки, газеталаримиз ўз саҳифаларида илмий мавзу'ларда оммабоп мақолалар ёритиб туришлари шарт.

Меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг сиёсий-маданий даражасини тинмай ошириб бориш, ўтмишнинг хурофий одатлари ва душман мафкурасининг та'сирига қарши курашни ҳартарафлама кучайтириб юбориш—барча партия, совет, комсомол, профсоюз ташкилотлари ва илмий-оқартув муассасаларининг энг муҳим вазифасидир.

Аҳоли ўртасида илмий мавзу'ларда лекция ҳамда суҳбатлар уюштиришга алоҳида э'тибор бериш лозим. Жамият тараққиётини, табиатнинг юксалиш қонунларини оммага содда тил блан асосли равишда тушинтириб бериш керак. Омма ўртасида олиб бориладиган пропагандамиз ма'лум бир мақсадни кўзда тутса, меҳнаткашларнинг онгига етадиган бўлса, турмушдан ва кундалик воқиалардан орқада қолмаса, омманинг талабларини тўла қондирадиган бўлса, у муваффақият қозонади.

Омма орасида илмий мавзу'ларда лекциялар ўқишга фан-техника ходимлари, ўқитувчилар, олимлар, врачлар, пропагандистлар жалб этилмоғи керак. Улар халқимизга кишилик жамиятининг тараққиёт қонунларини яхшилаб тушинтириб берсинлар. Хурофий сарқитларга қарши чидам блан кураш олиб борсинлар.

Область, шаҳар ва район ижроия комитетлари ҳузурида маданий-оқартув бўлимларининг ташкил этилиши шубҳасиз жойларда оммавий-маданий ишларни кенг миқ'ёсда ривожлантириш учун катта имконият бера бошлади. Аммо, бу бўлимларнинг иши ҳамма жойда ҳам дуруст йўлга қўйилган эмас. Қўқон, Марғилон ва Андижон шаҳарларида маданий-оқартув бўлимлари аҳоли орасида жиддий иш бошлаб юборганлари йўқ. Ҳозирги вақтда область, шаҳар ва район партия комитетларининг энг муҳим вазифаларидан бири—маданий-оқартув бўлимларининг ишларини тубдан яхшилашдир.

Совет халқи мамлакатимизнинг халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик планини зўр ғайрат блан амалга ошираётган ҳозирги пайтда, партиямизнинг мафкура соҳасидаги иши ғоят катта сиёсий аҳамиятга эгадир. Шу сабабдан барча партия ташкилотлари халқ хўжалигининг тўртинчи бешйиллик планини муваффақиятли бажариш йўлида муҳим шартлардан бири бўлмиш мафкура соҳасидаги ишларга, оммани сиёсий жиҳатдан тарбиялашга алоҳида э'тибор қилиши лозим. Илмий-оқартув пропагандамиз юксак даражага кўтарилсин. У кенг меҳнаткашлар оммасини ҳаётбахш совет ватанпарварлиги руҳида, коммунистик ғоя руҳида тарбиялаб, халқимизнинг ма'навий ва сиёсий бирлигини мустаҳкамлашда, халқни жипслаштириш ва тарбиялашда энг муҳим восита бўлсин.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Куйбишев ва Ярославль областьларида қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилганлиги ҳақида Уставни бузган кишиларни жазолаш тўғрисида

ССР Иттифоқи Министрлар Совети махсус комиссиянинг докладини эшитиб, Куйбишев ва Ярославль областьларининг бирқанча районларида қишлоқ хўжалик артели Устави ҳамда ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг «Колхозларнинг жамоат ерларини талон-тарож қилишдан сақлаш чоралари тўғрисида» деб 1939 йил 27 майда чиқарган қарори бузилаётганлигини аниқлади.

Куйбишев областининг Шигонск районида Усольск МТС директори Ф. А. Поганов машина-трактор станцияси хизмат қилаётган колхозлардан қонунга хилоф равишда доим озиқ-овқат маҳсулоти ва пул олиб келган. Поганов шу йўл блан колхозлардан шахсан ўзи учун, МТС ва унинг ходимлари учун 50.641 сўмлик маҳсулот ва пул олган. Бундан ташқари, у колхозларга ҳақ тўламай, МТС учун қонунга хилоф равишда 5 та от олган.

Куйбишев областининг Большеглушицкий районидаги Фрунзе МТСининг директори С. И. Фролов колхозларни талаган. Фролов ҳақ тўламай колхозлардан ўзи учун 4 қўй, 2 чўчқа боласи, 109 килограмм гўшт, 152 килограмм ун, 8 килограмм асал ва бошқа шу каби маҳсулот олган. Бундан ташқари, у МТС учун 5 колхоздан қонунга хилоф равишда 28.880 сўм нақд пул олган.

Куйбишев областининг Ставрополь районида раҳбар ходимлар колхоз мол-мулкини талон-тарож қилиб, колхозлардан 15.000 сўмлик маҳсулот олганлар. Район комитетининг секретари В. Г. Асанин, район ижроия комитетининг раиси П. Г. Ключников ва район ер бўлимининг мудири Г. В. Салак айниқса кўп су'ий истe'мол қилганлар.

Ярославль областининг Курбск районида қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш ва колхоз мол-мулкини талаш айниқса кенг авж олган. Район ташкилотлари ва айрим ходимлар колхозлардан чорва моллари, озиқ-овқат маҳсулоти, ем-хашак олганлар. Турли ташкилот ва шахслар олган маҳсулот ва материаллари учун биргина Курба қишлоғидаги колхозга 41.718 сўм қарздор бўлиб қолганлар. Бу районда колхоз ерини талон-тарож қилиш фактлари ҳам содир бўлган. Райондаги 12 колхозда 136,5 гектар колхоз ери қонунга хилоф суратда турли ташкилотларга, шунингдек томорқа ерларини кенгайтириш учун айрим колхозчиларга тақсимлаб берилган. Район раҳбарлари ва қишлоқ советлари раисларининг кўрсатмасига биноан, колхозчилар колхозга алоқаси бўлмаган ҳар хил ишларни бажарганлар. Бунинг учун уларга ҳақ тўланмаган, бу колхозчиларга меҳнат кунлари колхозлар ҳисобидан ёзилган. ВКП(б) район комитетининг секретари В. У. Степанов, район ижроия комитетининг раиси М. А. Правдин ва район ер бўлимининг мудири А. И. Парамонов қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилишига қарши кураш олиб бориш ўрнига, ўзлари колхозлардан доим озиқ-овқат маҳсулоти ва чорва моллари олиб келганлар, кўп ҳолларда бу маҳсулот ва чорва моллари учун ҳақ тўланмаган, ба'зи ҳолларда жуда кам ҳақ тўлаганлар.

Куйбишев областининг Сосново-Солонецк районидаги колхозларда колхоз ерларини талон-тарож қилиш авж олган. Карл Маркс номли колхоз правленияси қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиб, колхозчиларнинг томорқа ерларини кўпайтириш учун жамоат еридан 12 гектар ер ажратиб берган. Шу райондаги «Маяк революции» колхозининг 105 гектар ери қонунга хилоф суратда олиниб, «Ставрополь нефть» трестига берилган. Район ижроия комитетининг раиси М. Е. Костюков ва район ер бўлимининг мудири П. Ф. Кочеров бунга йўл қўйганлар.

Ярославль областининг Гаврило-Ямск районидаги «Новий путь» колхозининг мол-мулки таланиб, бу колхозга анча зарар етказилган. Райондаги турли муассаса, ташкилотлар ва раҳбар ходимлар олган озиқ-овқат маҳсулотлари учун колхозга 154.664 сўм пул тўламаганлар, ВКП(б) район комитетининг секретари И. В. Бобров колхоз мол-мулкини таловчиларга ёнбосиб келган.

ССР Иттифоқи Министрлар Совети Куйбишев ва Ярославль областьларида қишлоқ хўжалик артелининг Устави ва ВКП(б) Марказий Комитети ҳамда СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1939 йил 27 майда чиқарган қарори бузилганлиги тўғрисидаги фактларни текшириш юзасидан махсус комиссиянинг хулосаларини тасдиқлади ва **қарор қилди:**

1. Қуйидаги кишилар вазифасидан олинсин ва судга берилсин:

Усольск МТС директори Ф. А. Поганов ва Фрунзе МТС директори С. И. Фролов —ўз мансабларидан шахсий манфаатлари ва колхоз мол-мулкини талаш мақсадида фойдаланганликлари учун;

Ставрополь район ижроия комитетининг раиси П. Г. Ключников, ВКП(б) район комитетининг секретари В. Г. Асанин ва район ер бўлимининг мудири Г. В. Салак — қишлоқ хўжалик артели Уставини бузганликлари, колхоз мол-мулкини талашга йўл қўйганликлари ва бу жиноятларда шахсан қатнашганликлари учун;

Курбск район ижроия комитетининг раиси М. А. Правдин, ВКП(б) район комитетининг секретари В. У. Степанов ва район ер бўлимининг мудири А. И. Парамонов — колхозларга раҳбарлик қилишда демократик асосларни бузганликлари, колхоз мол-мулкини таловчиларга қарши чора кўрмаганликлари ва бу жиноятларда шахсан қатнашганликлари учун;

2. Қуйидаги кишилар вазифаларидан олинсин ва қаттиқ выговор берилсин:

Сосново-Солонецк район ижроия комитетининг раиси М. Е. Костюков ва район ер бўлимининг мудири П. Ф. Кочеров —колхоз ерларини талон-тарож қилувчиларга қарши чора кўрмаганликлари учун;

ВКП(б) Гаврило-Ямск район комитетининг секретари И. В. Бобров — қишлоқ хўжалик артели Уставини бузувчиларга ён босганлиги ва колхозлардан қонунга хилоф суратда озиқ-овқат маҳсулоти олганлиги учун;

3. Қуйидагиларга қаттиқ выговор берилсин:

Куйбишев областининг прокурори К. А. Назарюкка, Ярославль областининг прокурори И. Д. Ивановга, Курбск районининг прокурори Ф. Г. Ладонинга, Гаврило-Ямск районининг прокурори Б. П. Новиковга — ўз хизмат бурчларини бажармасдан, колхозларга ва давлатга қарши жиноят қилаётган ходимлар тўғрисида чора кўрмаганликлари учун;

Куйбишев область ижроия комитетининг раиси А. П. Бочкаревга, бундан илгари область ер бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлаган унинг ўринбосари Л. Я. Флорентьевга, Ярославль область ижроия комитети раисининг сўнгги вақтгача область ер бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган ўринбосари М. П. Смирновга — қишлоқ хўжалик Уставини бузишга, колхозларнинг ерини ва мол-мулкини талашга йўл қўйганликлари ҳамда қонунга хилоф бўлган бундай ҳаракатларни йўқотиш учун чора кўрмаганликлари учун.

ЎзССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетида

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар Партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети саноат ходимларининг 1946 йил август ойидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, 1946 йил август ойида олган мажбуриятларини бажарган, давлат планларини ошириб бажарган ва ишлаб чиқарган маҳсулотлари сифатининг техника шартларига мувофиқ бўлишини та'минлаган қуйидаги корхоналар социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, биринчи ўринни эгалладилар деб топдилар ва уларга ЎзССР Министрлар Совети ҳамда ЎзК(б)П Марказий Комитетининг кўчма қизил байроқларини ва пул мукофотларини топширишга қарор қилдилар.

I. ИТТИФОҚ КОРХОНАЛАРИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи Чирчиқдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Сталин номли электрохимия комбинатига ва МТСнинг машинасозлик заводига топширилсин, бу байроқ Тошкентдаги қоғоз комбинати ва Тошкентдаги Сталин номли тўқимачилик комбинатидан олиб берилсин.

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи СТО номли олтин гугурт конида, Қўқондаги электро механика заводида, «Жанубий оламушук» нефть конида, Самарқанддаги «Кенап» заводида ва Карборунд заводида қолдирилсин.

II. ЎзССР ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи Андижондаги 3-нчи пахта тозалаш заводида, шунингдек Тошовулдаги тола заводида қолдирилсин ва буларга пул мукофоти берилсин.

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи Қўрғонтепадаги пахта тозалаш заводига ва шунингдек Самарқанд пиллакашлик фабрикасига топширилиб, пул мукофоти берилсин. Бу байроқ Қўнғирот пахта тозалаш заводи ва Бухоро пиллакашлик фабрикасидан олиб берилсин.

III. ЎзССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи ва пул мукофоти Янгийўлдаги 4-нчи ёғ заводига шунингдек Тошкент консерва заводига топширилсин. Бу байроқ Хевадаги 12-нчи ёғ заводидан ва Самарқанддаги мева, консерва заводидан олиб берилсин.

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи Янгийўл консерва заводида қолдирилсин ва бу заводга пул мукофоти берилсин.

IV. ЎзССР БАЛИҚ САНОАТИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи ва пул мукофоти Микоян номли балиқ овлаш колхозига топширилсин. Бу байроқ Мўйноқдаги балиқ заводидан олиб берилсин.

V. ЎзССР ЕНГИЛ САНОАТИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи ва пул мукофоти Андижондаги тикувчилик фабрикасига топширилсин, бу байроқ Тошкентдаги 1-нчи сон заводдан олиб берилсин.

VI. ЎзССР ГЎШТ-СУТ САНОАТИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи ва пул мукофоти Самарқанд гўшт комбинатига топширилсин, бу байроқ Тошкент гўшт комбинатидан олиб берилсин.

VII. ЎзССР МАҲАЛЛИЙ КООПЕРАТИВ САНОАТИ ВА ИНВАЛИДЛАР КООПЕРАЦИЯСИ БЎЙИЧА

ЎзССР Маҳаллий кооператив саноати ва инвалидлар кооперацияси корхоналаридан биронтасининг ҳам 1946 йил август ойида қилган ишлари ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроқларини олиш юзасидан қўйилган талабларга жавоб бермаганлиги сабабли, уларга кўчма қизил байроқлар берилмасин. Қўқондаги Охунбобоев номли йигирув-тўқув фабрикаси қизил байроқдан маҳрум этилсин.

VIII. ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи Тошкент пассажир депосининг коллективида қолдирилсин.

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи Қарши ҳаракат бўлимининг коллективига топширилсин. Бу байроқ Қарши станциясидаги вагон-ремонт пунктидан олиб берилсин.

IX. АЛОҚА БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи Фарғона область алоқа ходимлари коллективида қолдирилсин.

X. БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи Қувасой цемент заводида ва Средазтранстройнинг Кауфманскдаги ғишт заводида қолдирилсин.

XI. ЎзССР БИНОКОРЛИК МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи ва пул мукофоти Шаҳрихон ГЭСига топширилсин. Бу байроқ Оққовоқ ГЭСи қурилишидан олиб берилсин.

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи Ангренуглеразрезстрой бошқармасида ва Чирчиқ қурилиши трестига қарашли «Электрощит» заводида қолдирилсин.

XII. СССР АВТОТРАНСПОРТИ МИНИСТРЛИГИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи Тошкентдаги 2-нчи авторемонт заводида қолдирилсин.

XIII. ТЕХНИКА ЭКИНЛАРИ МИНИСТРЛИГИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи ва пул мукофоти Тошкент мотор-ремонт заводига топширилсин. Бу байроқ Бухоро Мотор-ремонт заводидан олиб берилсин.

XIV. ГРАЖДАН ҲАВО ФЛОТИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи II-нчи транспорт отряди коллективида (командири ўртоқ Аверин) қолдирилсин.

XV. ЎзССР ПОЛИГРАФИЯ САНОАТИ БЎЙИЧА

ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроғи 1-нчи республика босмахонасига топширилсин ва пул мукофоти берилсин. Бу байроқ Янгийўлдаги область босмахонасидан олиб берилсин.

Ўртоқ Сталиннинг ғамхўрлигига меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан жавоб берамиз

БУХОРО (ЎзТАГ). Область колхозчилари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозларда қишлоқ хўжалик артелининг Уставини бузишга барҳам бериш чоралари тўғрисида» деб чиқарган қарорини зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар.

Бухоро районидаги «Қизил йўлбошчи» колхози а'золарининг йиғилишида қарор ўқиб эшиттирилгандан кейин, қизғин музокаралар бошланди. Биринчи бўлиб ёш теримчи Чиннигул Шаропова сўзга чиқди.

— Партия ва ҳукумат қарорининг ҳар бир сўзи биз колхозчилар тўғрисидаги Сталинча ғамхўрликни ифода қилади. Бу қарорда айтилган сўзларнинг ҳаммаси ҳақиқатдир. Колхозимизда қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш ҳоллари йўқми, ахир? Мен ўз колхозимизда ишнинг қандай бораётганлиги ҳақида сўзламоқчиман. Кўпчилик колхозчилар колхоз хўжалигининг гуллаши, колхозчиларнинг бахти-саодати учун ҳормай-толмай ҳалол ишламоқдалар. Лекин, ҳалол ишловчи колхозчилар блан бир қаторда Олла Азизов, Очил Тиллаева, Нор Ўрунова ва бошқа шу каби дангасалар ҳам бор. Улар кўпинча ишга чиқмайдилар, белгиланган миқдорда меҳнат куни ишламайдилар, колхоз правленияси бўлса, бу дангасаларга ён босиб келади. Ҳар бир колхозчи инсоф блан ҳалол ишламоғи керак, ана шу вақтда колхозимиз фаровон бўлади.

Чиннигул Шаропова терим бошлангандан буён 5.300 килограмм пахта терганлигини айтиб, яна 5 минг килограмм пахта териш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Сўнгра бригада бошлиғи Исмоилов сўзга чиқди. У, ўз сўзида бундай деди.

— Биз колхозчилар тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилаётганлиги учун ўртоқ Сталинга раҳмат. Партия ва ҳукуматнинг тарихий қарори колхоз хўжалигини янада яшнатиш учун кенг йўл очиб беради. Биз ўртоқ Сталиннинг бу ғамхўрлигига меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан жавоб берамиз.

Бригада бошлиғи Исмоиловнинг таклифига биноан, «Қизил йўлбошчи» колхозининг а'золари Октябрь олди социалистик мусобақасига қўшилиб 7 ноябрьгача давлатга ўрта ҳисоб блан ҳар гектар ердан 20 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Колхоз демократиясини ҳимоя қиладиган қарор

НАМАНГАН (ЎзТАГ). Наманган областининг колхозчилари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозларда қишлоқ хўжалик артелининг Уставини бузишга барҳам бериш чоралари тўғрисида» деб чиқарган қарорини қизғин муҳокама қилиб, колхоз ҳаётининг Сталинча Уставига қаттиқ риоя қилишга қаратилган бу тадбирларини хурсандчилик блан ма'қулламоқдалар.

Янгиқўрғон район Короскан қишлоқ советидаги «Коммунизм» колхозининг а'золари йиғилишида илғор теримчи ўртоқ Ҳабибахон Қаюмова сўзга чиқиб, бундай деди:

— Бу қарорда келтирилган фактлар бизнинг колхозимизда ҳам бор. Колхозимизда Уставни бузиш ҳоллари содир бўлмоқда. Масалан, колхоз демократияси тўғрисидаги моддани олайлик. Сўнгги бир ярим йил мобайнида фақат икки марта умумий йиғилиш бўлди. Колхоз правленияси даромадни тақсимлаш, хўжалик планлари тузиш тўғрисида колхозчилар блан маслаҳатлашмади. Энди бу ишда тартиб ўрнатиш керак.

Бригада бошлиғи Назир Қаюмов ҳам колхоз Уставининг бузилаётганлиги ҳақида гапирди.

— Бизнинг колхозимизда,—деди ўртоқ Қаюмов,—колхозчиларнинг меҳнатини ҳисобга олишга э'тибор берилмайди. Масалан, Эгамберди Ҳакимов бошлиқ звенонинг а'золари теримда қанча меҳнат куни ишлаганликларини билмайдилар. Бундай ҳол колхоз хўжалигини мустаҳкамлашга путур етказади.

Мажлис охирида колхоз раиси Жўра Ортиқов сўзга чиқиб, колхозчилар правлениянинг ишини тўғри танқид қилганликларини айтиб, колхоз активларининг ёрдами блан правления ўз ишидаги камчиликларни тез фурсатда тугатажагини билдирди.

ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ 100,7 ПРОЦЕНТ БАЖАРИЛДИ

Кўпгина республикалар пилла тайёрлаш планини анчагина ошириб бажардилар. Грузия республикаси пилла тайёрлашни муваффақиятли ўтказди. Грузия колхозлари пландан ташқари икки минг центнерга яқин пилла топширдилар. Арманистон республикаси пилла тайёрлаш планини 109,5 процент бажарди. Озарбайжон ССР пилла тайёрлаш планини ортиғи блан адо этди. Бу республикада пландан ортиқ топширилган пилладан бултургига қараганда 300 минг метр шойи тўқиш мумкин. Молдавия республикасининг пиллакашлари топшириқни 25 процент ошириб бажардилар. Туркманистон ва Қозоғистон республикалари планини ортиғи блан адо этдилар.

Шу кунларда такрорий қурт боқишдан олинган пилла топширилмоқда. (ТАСС).

Партия сафини ўстириш ва ёш коммунистларни тарбиялаш тўғрисида

23 сентябрьда УзК(б)П Тошкент шаҳар комитетининг XXV пленуми бўлди. Пленум Тошкент шаҳар партия ташкилотининг ўсиши ва ВКП(б) сафига янгидан кирган коммунистлар ўртасида партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни кучайтириш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

УзК(б)П Тошкент шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Нуриддинов ўз докладида Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистон пойтахтининг партия ташкилоти бутун партия билан бирганликда ўсганлигини кўрсатадиган рақам ва фактлар келтирди. Тошкент шаҳар партия ташкилотида ҳозир 22 мингга яқин коммунист бор. Аммо, ВКП(б) Марказий Комитетининг 1946 йил 26 июльда чиқарган қарорида ва УзК(б)П Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорида кўрсатилган камчилик ва хатолар Тошкент шаҳар партия ташкилотига ҳам тамомила тааллуқлидир.

Тошкентда Ўзбекистоннинг йирик корхоналари жойлашган. Республика саноатининг 85 процента пойтахт территориясидадир. Шу сабабдан, шаҳар партия ташкилоти асосан ишчилар ҳисобидан ўсиши ва республикадаги бутун партия ташкилотида ишчилар составини кўпайтириши керак эди. 1945—46 йилларда партияга қабул қилинган кандидатларнинг фақат учдан бир қисми ишчилар бўлганлигига сабаб нима? Куйбишев районида йирик саноат корхоналари бор, 1945—46 йилда партия сафига қабул қилинганлар орасида ишчилар кўп деганда 30 процентни ташкил этади. Унга яқин корхонаси бўлган Сталин номли тўқимачилик комбинатининг партия ташкилоти бир ярим йил ичида партияга атиги 65 ишчи қабул қилган.

Партия сафининг Ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллатлар ҳисобидан ўсиши тамомила етарли эмас. Бу ҳол партия сафига қабул қилиш соҳасидаги ишларимизда жиддий камчиликлар. Бунинг натижасида шаҳар партия ташкилоти составида ўзбек коммунистларининг сони анча камайди.

Ана шу камчилик ва нуқсонлар партия ташкилотларининг қабул қилинувчилар составига э'тиборсиз қараётганлиги натижасида юз берди. Кўпгина район партия комитетларида (Октябрь ва Ленин район партия комитетларида) ариза берганларнинг қарийб ҳаммасини қабул қилганлар. Район партия комитети бюросининг бир мажлисида одатда 20—30 талаб ариза кўрилади. Район партия комитетларининг бюро мажлисларида партия сафини ўстириш масалалари мунтазам муҳокама қилинмайди, кўпинча, ҳеч қандай таҳлил ва хулосалар чиқарилмай, юзаки муҳокама қилинади.

Қабул қилиш масаласига шундай полапортиш қарашнинг ишга зарарли эканлиги ва кишиларни якка-якка танлаб олишдан иборат большевистик принципга хилоф эканлиги равшан эмасми?

Сўнгра, ўртоқ Нуриддинов Тошкент шаҳар партия ташкилотининг составида бирмунча ўзгариш бўлганлигини кўрсатаётган рақамларни келтирди. Афсуски, бу ўзгаришлар кўпинча э'тиборга олинмаётир. Уруш даврида партия сафига кирган ёш коммунистлар ВКП(б) а'золари ва кандидатларнинг кўпчилигини ташкил этганига қарамай, бир талай корхоналарда партиявий-ташкилий ва сиёсий ишлар йўлга қўйилмаган. Партия йиғилишлари коммунистларнинг большевикча тарбия мактаби эканлиги ҳаммага маълум. Партия йиғилишлари қандай ўтказилмоқда? Партия ташкилотининг ҳаётидаги муҳим масалалар кўпинча мажлисларнинг рўзномасига қўйилмайди. Бу йиғилишларда кўриладиган масалаларнинг кўпи район партия комитетлари томонидан кўрсатилган масалалардан иборат.

Коммунистларнинг ғоявий-сиёсий савиясини тинмай ошириш партия ташкилотлари раҳбарларининг асосий вазифасидир. Кўпгина партия ташкилотлари коммунистларнинг марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганишларига э'тибор қилмайдиларки, бу — тамомила хатодир. Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, шаҳар партия ташкилотидаги коммунистларнинг ярми ўзларининг ғоявий-сиёсий савияларини ошириш йўлида ҳаракат қилмаётир. Яхши тайёргарлиги бўлмаган коммунистларнинг сиёсий билим олиш ва китоб устида мустақил ишлаш малакасини оширишга имкон берадиган мактаб ва тўгаракларга э'тибор қилинмаётир.

***

Ўртоқ Нуриддинов доклади юзасидан бошланган музокараларда УзК(б)П Марказий район комитетининг секретари ўртоқ Гальченко биринчи бўлиб сўзга чиқди. У айтдики, район партия ташкилотидаги коммунистларнинг 60 процентдан ортиғи уруш даврида партия сафига кирди. Аммо, улар ўртасида суст иш олиб борилмоқда. ВКП(б) а'золигига кандидат бўлган 1108 кишининг кандидатлик муддати ўтиб кетганлигини айтиш кифоя. Бу ҳол, тарбиявий ишларда катта камчиликлар борлигини кўрсатади.

Марказий районда Ўзбекистон Фанлар академияси, институтлар, илмий-текшириш муассасалари бор. Буларда ишлаётган илғор олимлар, саноат, қишлоқ хўжалик мутахассислари, фан ва техниканинг турли соҳаларидаги мутахассислар кўп. Лекин шундай бўлса ҳам, район партия ташкилоти интеллигенция ўртасида тузук иш олиб бормаётир. Уларнинг энг яхши қисмини партия сафига жалб этиш учун ҳаракат қилмаётир. Фанлар академиясининг партия ташкилоти 4 йил ичида 17 кишини ВКП(б) а'золигига ва 12 кишини кандидатликка қабул этган. Аммо, партия ташкилоти академиядаги асосий илмий кучлар ҳисобидан ўсмаган, партия сафига қабул қилинганларнинг ярми идора ходимларидир. Инжчилик илмий-текшириш институтининг партия ташкилоти шу даврда уч кишини ВКП(б) а'золигига ва бир кишини кандидатликка қабул этган. Тез ёрдам институтида 50 дан ортиқ врач бор. Институтнинг партия ташкилотида 1943 йилдан буён бирор кишн ҳам партияга қабул қилинмаган. Аммо, ўртоқ Гальченко ўз нутқида район партия комитетининг ана шу жиддий нуқсонларни тугатиш учун қандай чоралар кўрмоқчи эканлиги ҳақида бир оғиз ҳам гап айтмади.

Фрунзе район партия комитетининг секретари ўртоқ Худойбердиев район партия ташкилотида коммунистларнинг марксизм-ленинизм назариясини қандай ўрганаётганликларини текшириш тамом бўлай деб қолганлигини айтди.

— Биз, деди у,— ўз билимларини оширш йўлида мустақил ишлаётган коммунистлар рўйхатига ёзилган кишиларнинг кўпчилиги мутлақо шуғулланмаётганлигини аниқладик. Бошланғич партия ташкилотлари ва район партия комитети эса, партия ишининг ана шу энг муҳим соҳасини ўз ҳолига ташлаб қўйдилар.

ВКП(б) Марказий Комитетининг «Электрокабель» заводидаги партия ташкилотчиси ўртоқ Костовецкий шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларига суст раҳбарлик қилмоқда ва бошланғич ташкилотларнинг раҳбарларига етарлик даражада ёрдам бермаётир, деб танқид қилди.

УзК(б)П Куйбишев район комитетининг секретари ўртоқ Шкуратов бундай деди:

— Шаҳар партия комитети бизга қандай йўл-йўрик берса, биз худди шундай ишладик. Шаҳар партия комитети эса, ҳар доим тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб турди, деб бўлмайди. Шаҳар партия комитети ба'зан шундай қарорлар чиқардики, булар аслда партияга полапортиш қабул қилишга ундар эди. Район партия комитетлари ҳам бошланғич партия ташкилотларига нотўғри йўл-йўриқ бердилар. Биз а'золар сонини кўпайтиришга аҳамият бериб, етакчи касблардаги ишчиларни якка-якка партияга қабул қилиш зарур эканлигини кўпинча унутиб қўйдик.

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари ўртоқ Азизов партия сафини ўстиришда энг муҳим манба'лардан бири бўлмиш комсомол ҳақида гапирди. У, ба'зи корхоналардаги партия ташкилотлари комсомолга суст раҳбарлик қилаётганликларини айтиб, пленум қатнашчиларининг э'тиборини шунга жалб этди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг Ворошилов номли заводдаги партия ташкилотчиси ўртоқ Терентьев партия кандидатларини тарбиялаш ва сиёсий тўгаракларда машғулотни йўлга қўйиш ҳақида сўзлади.

Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми ўртоқ Нуриддиновнинг доклади юзасидан қарор қабул қилди. Бу қарорда партияга қабул қилиш соҳасидаги ишларни яхшилаш ва ёш коммунистларни тарбиялаш юзасидан амалий чоралар кўрсатилди.

Рўзноманинг иккинчи моддаси юзасидан ташкилий масалалар кўрилди. Пленум ўртоқ А. Т. Александровскийни УзК(б)П шаҳар комитетининг пленум ҳамда бюро а'золигига киритди ва уни шаҳар партия комитетининг пропаганда-агитация бўйича секретарьлигига тасдиқлади.

Пленумда УзК(б)П Марказий Комитетининг секретарьлари Юсупов ва Мирзаахмедов ўртоқлар, УзК(б)П Тошкент область комитетининг секретарьлари Жураев ва Зайко ўртоқлар қатнашдилар.

Мактабларда „пайшанбаликлар"

Тошкент шаҳар комсомол комитети ва Сталин номли пионерлар саройи шаҳар ўқувчиларининг илмий-оммабоп темаларга бағишланган «пайшанбаликлар»ини ўтказмоқда. Биринчи «пайшанбалик» совет ўқувчисининг ма'навий қиёфасига бағишланган эди. Сўнгра, Ўзбекистон пойтахтининг ўқувчилари уруш вақтида фронтда бўлган ва ҳозир давлат университетида ўқиётган студентлар билан учрашдилар. Бу қизиқарли суҳбатда собиқ жангчилар жанговар ишларидан ҳамда ўқув йилининг биринчи кунлари ҳақида суҳбатлашдилар. Суҳбатлардан сўнг ўқувчиларга болалар кинофильмлари, концертлар кўрсатилди ва шаҳмат мусобақалари, турли ўйинлар ташкил этилди.

Яқин кунларда ўқувчилар Тошкентнинг ўтмиши, ҳозирги қурилишлар ва бўлажаги билан таништилар. Улар ЎзССР Фанлар академиясининг президенти Т. А. Сарымсоқов, академик-шоир Сталин мукофотининг лауреати Ойбек, Сталин мукофотининг лауреати профессор С. С. Канаш, Маориф министрининг ўринбосари Е. И. Рачинская ва бошқалар билан учрашдилар.

Колхозчи ўртоқлар! Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра кўпроқ пахта терингиз!

Сушилкалар ремонти ўз вақтида тамомлансин

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва УзК(б)П Марказий Комитети «1946 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисида» деб чиқарган қарорларида пахта йиғим-теримини қисқа муддатда, юқори сифатли қилиб ўтказишни алоҳида уқдириб ўтдилар. Пахта ҳосилини белгиланган муддатда йиғиб-териб олиш билан унинг юқори сифатли бўлишини та'минлаш жуда катта хўжалик-сиёсий аҳамиятга эга. Пахта давлат қабул қилиш пунктларига қуруқ ҳолда топширилиши, нам пахтанинг топширилишига асло йўл қўйилмаслиги керак.

Бу жиҳатдан пахта қуритадиган сушилкаларнинг аҳамияти жуда катта. Ўтган йиллари ёмғурдан кейин терилган пахталарни ўз вақтида қуритиш учун етарли аҳамият берилмаганидан пахта тайёрлаш сур'атининг пасайгани, терилган пахтанинг ўз вақтида топширилмагани ма'лум. Давлат кунда терилган пахтани кунига қабул пунктларига топширишни талаб қилади. Бунинг учун ҳамма колхозлар етарли сушилкаларга эга бўлишлари, сушилкалар тўхтовсиз ишлаб туриши керак. Пахта терими бошланғандан кейин биринчи ёмғур ёғиб ўтди. Ёғингарчилик бошлангандан кейин пахта қуритишни тезлатиш учун ҳамма сушилкалар тахт қилиб қўйилмоғи керак.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва УзК(б)П Марказий Комитети пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш ҳақидаги қарорларида, шу йил 1 октябрьгача колхозларда 7.480 сушилканинг батамом ремонтдан чиқарилиши ва тартибга солиниши та'мин этилсин, деган эдилар. Қўлимиздаги материаллар ба'зи областларда бу масалага тегишли э'тибор берилмаётганини кўрсатади. Масалан: Наманган, Андижон областлари сушилкаларни ремонт қилишда жуда ҳам орқада қолмоқдалар. Наманган области планини 56,5 процент, Андижон области 66,1 процент бажарган, Фарғона, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда ҳам ҳали ҳамма сушилкалар ремонт қилингани йўқ. Натижада сушилкаларни ремонт қилишни тамомлаш учун белгиланган муддат яқинлашиб қолишига қарамасдан республикада 69,4 процент сушилка ремонт қилинган, халос. Сентябрь ойининг учинчи бешкунлигида 100 га яқин сушилка ремонт қилинган бўлса, тўртинчи бешкунлигида бутун республикада атиги 42 сушилка ремонт қилинган. Бу йиллик планнинг ярим процентини ҳам ташкил қилмайди.

Пахта сушилкаларини ремонт қилишдаги бу қадар сусткашликка дарҳол хотима берилиши зарур. Ўзбекистон ССР Техника экинлари министрлигининг органлари ва Ўзбекистон ССР Тўқимачилик министрлигининг тайёрлаш системалари, область ва район совет, партия ташкилотлари колхоз-лардаги сушилкалар ремонтини тезлатиш, уларни ўтин билан та'минланганликларини текшириб туришлари, бу соҳадаги камчиликларни тезда тугатишлари керак.

Пландан ташқари 100 центнер пахта

ПИСКЕНТ («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Керовчи қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг ўртоқ Тошбуви Холиқулова бошлиқ илғор звено участкасида бу йил мўл ҳосил етишди. Звено а'золари фидокорона меҳнат қилиб, етиштирган ҳосилини тез сур'ат билан пешма-пеш териб давлатга топширмоқдалар. Звено 6 гектардан пландаги 79,2 центнер ўрнига, 80 центнер пахта топшириб, йиллик планини муддатидан илгари — 18 сентябрьда 101 процент бажарди.

Звено а'золари Октябрь олди социалистик мусобақасига қўшилиб, пахта теримини тобора қизитмоқдалар. Улар Октябрь байрамигача пландан ташқари давлатга яна 100 центнер пахта топшириб, йиллик планни 220 процент бажариш мажбуриятини олдилар.

Ашулангда завқ, ҳосилингда салмоқ бор

Кенг пахта даласи. Бу, гўё уфққа томон чайқалаётган кўмкўк денгиз. Майин эсган шабада ғўза япроқларини денгиз сувини чайқатгандек тебратади.

Звенонинг ғўзасига яқинлашган сари, кишида ўзгача ҳис пайдо бўлади. Бу— далада кечаётган ҳаётнинг кучли та'сири эди.

Канчалар терсам яна, тергим келадир пахтани,
Чарчамайман қанча терсам турмушимнинг бахтини.

Кенг пайкалга таралган теримчи қизларнинг қайси бири бўлди, бу ашулани айтган. Оппоқ очилган пахталарни тераётган чевар қўлларнинг қайси бир эгаси бунчалик завқланади?

Бу озод меҳнат таронасини куйловчининг бошқалар билан иши йўқ. Ахир дам ғанимат, сиз кимлигини суриштирганингизда балки, у жавоб бериш учун вақтни қизғанар.

Пайкалнинг нариги томонидан юқоридаги ашуланинг давоми қўнғироқдек жаранглаб кетди.

Ноз билан жилва қилодир пахталарнинг пишгани,
Завқ билан ўйнаб кулодир турмушимнинг гулшани.

Бизнинг диққатимиз бўлиниб кетди. Биринчи марта ашула айтган қизнинг қаерлалигини ҳали яхши белгилай олмай туриб, иккинчи томондан эшитилаётган ашуланинг тагин ҳам юқорироқ эжжига берилган эдик. Қизлар, тартиби билан ашулани бири кетидан иккинчиси олиб, тўхтатмас эди.

Колхоз раиси Худойберди ака звено ерини тевараклаб йўл бошлар экан, «Қизларимиз ашуланн жуда ҳам боплайдилар» деди.

Биз, Худойберди аканинг фикрига қўшилишга иккиланган эдик. Лекин ахдак қараб турган, унинг сўзини тасдиқладик. Дарҳақиқат ашула айтилиши билан денгиз кучли тўлқинлангандек. туйилар эди. Ғўзалар орасида ҳам кўриниб, ҳам кўринмай пахта тераётган қизларнинг ҳаракати ашула вақтида яна ҳам тезлашганини сезиш осон эди. Қаторлардаги ғўза шохларини ёриб ўтган теримчиларнинг ортида қолган ғўзаларнинг ҳали очилмаган кўсаклари шохларини яна босиб тушар. Бундан, ҳосилни салмоқловчи «шир» этган товуш эшитиларди.

Шу кунларда пахта даласида ҳаёт кечириш нақадар кўнгилли. Айниқса шундай қувноқ қизлар звеносидаги хушхўллик ҳаммадан ҳам кўнгилли эди. Биз бунда меҳнатнинг муҳаббатга, муҳаббатнинг меҳнатга пайвандлик тимсолини кўрамиз. Шу муҳаббат туфайли чаққонликда камолатга етган қўлларнинг стахановча пахта теришини узоқ тамоша қилиб қолдик.

Мана, теримчи Ҳамроой Эшматова, Зарипова, Шакархон Раҳматова, Аминахон Тожиевалар пахта термоқда. Қўллар бирбиридан тез ҳаракат қилади. Чаноқдан чаққонлик билан пахтани юлиб олишда, қисмдаги пахтани усталик билан этакка солишда чап қўл билан ўнг қўлнинг ҳаракатида ера фарқ йўқ. Теримчи бир туп ғўзани, тепа шохидан пастга, иккинчи тўпни пастдан юқорига териб чиқар экан, чаноқда бир тола ҳам пахта қолмас эди. Бу усул стахановча пахта теришнинг ўзига хос бир ритмаси эди.

***

Шу кўркам далада мўл ҳосил учун озмунча тер тўкилмади. 3 гектар ердан 15-20 гектар ернинг ҳосилини олиш учун звено а'золари эрга кўкламдан ишга киришдилар. Ер, «Энди бўлдим» дегунча ишитилди. Чигит март ойининг охирида экилиб, апрель бошида текис кўкариб чиқди. Буни кўриб колхозчилар звено бошлиғи Кўчқор акага «Тагидан олов ёқдингми» деб гап қотдилар. Йўқ, тагидан олов ёқилмадию, устидан гўнг солиб, ер бағри илитилди. Апрельнинг охирида ягана билан бошланган қора чопиқ саратоннинг қайноқ кунларидаги чуқур чопиқ билан уланиб кетди.

Ўшанда ҳам шу қизлар эди. Булар кетманни бардам тутиб, маржон-маржон тер тўккан кезларда ҳам бахтли меҳнатни куйлашдан тўхтамадилар. Ғўзалар 6 чопиқ ва 7 культивация қилинди. Яна шу қўллар кўклам ер ҳайдаш вақтида солинган ўғитдан ташқари ғўзанинг ёзги парваришн даврида қатор ораларига 2—3 марта ўғит сепди. Ғўзалар ҳосил олиш даврида, қадрдон қўлларидан қопиб-қопиб сув ичар экан, 2 марта «шарбат» ҳам ичирди. Колхозчилар орасида шундай сўзлар эшитила бошлади.

— Пахтанг борми деса, бор дегудек.

— Ҳосилда қизлар звеноси олдин кетди.

Қўчқор ака звеносининг даласида етиштирган мўл ҳосилга умумий баҳо бериб, айниқса ёш колхозчилар шундай дер эдилар:

— Ашулангдаги завқингга яраша, етиштирган ҳосилингда ҳам салмоқ бор.

★ ★ ★

Август ойининг охирлари эди. Звенонинг ғўза туплари ҳар тарафга шохлаб, салмоқли кўсакларини кўтаролмай, ерга энгашта бошлади. Ҳосил ўз эгаларини қувонтирар, кўсаклар гўё ҳандон лабларини оча бошлади.

Пахта терими олдидан звенода кичкина маслиҳат бўлди. Звено бошлиғи Кўчқор Холиқов пахта йиғим-теримини қандай ўтказиш тўғрисида гапириб, қизларга шундай деди:

— Ҳосилни қўлга киритдик. Бу ютуғимизни мустаҳкамлаш учун теримда ҳам намуна бўлишимиз керак.

— Албатта-албатта деган самимий жавобни беришди, қизлар.

Эртаси кун звенода терим бошланди. Пахта онда-сонда очилган бўлишига қарамай дастлабки куниёқ теримчилар 70—80 килограммдан пахта тердилар. Чевар қўллар кундан-кун илдам ҳаракат қилади. Пахта очилаборган сари теримчиларни кўпроқ қизиқтиради. Ҳозир Ҳамроой, Шакархон, Аминахон ва Зуфароваларнинг ҳарбири тераётган пахта 150—160 килограммдан бўлиб, роппа-роса бир арава ҳисобланади. Шундай қилиб звено 18 сентябрьгача гектаридан 16 центнер ўрнига 25 центнердан пахта бериб, йиллик планини 160 процент бажарди.

Лекин даладаги ҳосил ҳали олинмагандек. Ба'зилар звеноннинг умумий ҳосилини ҳар гектарига 70 центнер, ба'зилар 80 центнер мўлжаллайдилар. Звено а'золари эса, маррамиз 100 центнер дейдилар.

Ҳабиб НУ'МОН.
Тоҳир КАРИМОВ.
Каттақўрғон район, «Ленинизм» колхози.

Мирзачўлда пахталар чўкиб қолаётир

Мирзачўл райони пахта териш ва топширишда Тошкент областини орқага силтаб келаётган районлардан биттаси. Район 23 сентябрьгача йиллик планини атиги 10,6 процент бажарди, халос. Ҳолбуки, график бўйича сентябрь ойи йиллик планнинг 40 процента миқдорида пахта териб топшириши керак эди.

Пахта теришда районнинг орқада қолаётганига сабаб, ишга яроқли барча кучни теримга сафарбар қилинмаганидир. Ҳар куни 9.400 кишн пахта теришн тўғрисида районнинг ўзида тузилган план ҳам бажарилмаётир. Бунинг устига умумий дала ишларига чиқаётган 7481 кишидан фақат 65 процентигина пахта теришда иштирок қилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва УзК(б)П Марказий Комитетининг «1946 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисида»ги қарорида кўрсатилганча колхоз а'зоси бўлмаган, лекин колхоз территориясида истиқомат қилаётганларни пахта теришга сафарбар қилинмаган. Масалан, Мусофиробод қишлоқ советидаги Ленин номли колхозда шундай кишилардан 98 киши бор. Аммо, буларнинг бирортаси ҳам пахта теришда қатнашаётгани йўқ.

20 сентябрьда бўлиб ўтган ёмғур мирзачўлликларнинг ишидаги катта бир камчилигини очиб берди. Кўпчилик колхозларда усти ёпиқ пахта саройлари бўлмагани натижасида, хирмондаги пахталар ёғин остида қолди. Ҳамма колхозларда деярлик сушилкалар тайёр эмаслиги, улар учун ёқилғи ҳозирланмаганлиги аниқланди.

Шунинг натижасида ҳамда кундалик терилаётган пахтага қараганда давлатга топширилаётган пахталарнинг куп қисми оз бўлиши орқасида ҳозир район колхозларида ярим минг тоннадан ортиқ пахта пунктларга топширилмай, тўпланиб ётмоқда.

Район техника экинлари бўлимининг маълумотига қараганда, районда 267 та икки от қўшиладиган арава ва 18 та юк машинаси бор. Лекин, булардан қанчаси пахта ташишда иштирок қилаётганини ҳеч ким билмайди. Кўпчилик колхозларда пахта ташувчи транспорт бригадаси ташкил қилинмаган. Бунинг устига машжуд кучлардан тўғри фойдаланишга ҳам қизиқадилар. Сталинобод қишлоқ советидаги «Политотдел» колхозида йиллик планнинг 4 процента миқдорида пахта тўпланиб ётибди. Аммо, колхознинг икки отлик араваларига 700 ўрнига 400—445 килограммдан пахта ортилмоқда.

Район раҳбарлари (райком секретари Кретов, райижроком раиси Қодиров ўртоқлар) пахталарнинг чўкиб қолишига транспортнинг камлигини баҳона қилаяпти-ю, лекин мавжуд транспортдан тўғри фойдаланиш устида бош қотирмайдилар. Бунинг ўрнига улар колхозларга нам терилган, кечалари очиқ ҳавода шабнамда ҳўл бўлиб қолган пахталарни ҳам қабул пунктларига келтиришга рухсат бериб, катта хатога йўл қўйдилар.

Мирзачўл районида пахта териш сур'атини кескин тезлатиш ва терилган пахталарни пешма-пеш қабул пунктига топшириб туриш учун имкониятлар бор. Ган ана шу имкониятлардан тўла фойдаланишда қолган.

А. РАҲИМОВ.
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

КУЗГИ ДОН ЭКИШНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Кузги дон экинларини эрта ва қисқа муддатда экиш юқори ҳосил олишни та'минлайди. Лекин кузги дон экинларини экиш учун ерни тайёрлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Барча агротехника қоидаларига риоя қилиб, тайёрланган ерга дон эккан тақдирдагина мўл ҳосил олиш мумкин. Шу сабабдан, ерларни ишлашга алоҳида э'тибор берилмоғи керак. Кузги дон экиш учун ерни 18—20 сантиметр чуқурликда ҳайдаш, катта кесакларни қолдирмай, ҳаммасини майдалаш, ерни яхши текислаш, тоза уруғ экиш ва уруғни бир текис чуқурликда кўмиш керак. Демак, бу соҳадаги агротехника талаблари айтарлик мураккаб эмас, буни дон экучи ҳарбир колхоз уддалай олади. Аммо, кузги дон экишда агротехника қоидаларини бузиш ва ерни сифатсиз ишлаш ҳоллари содир бўлмоқда. Масалан, Оҳангарон районидаги 2-нчи МТСда (старший агроном Сураев) Алиматов бошлиқ бригаданинг тракторчиларидан Крюкова, Болтаев ва Эгамовлар «Сталинобод» колхозининг кузги дон экадиган майдонларини 8—12 сантиметр чуқурликда чала ҳайдаганлар. Паркент МТСда (старший агроном Гималидинов) тракторчилардан Толипов ва Адашовлар Молотов номли колхозда 17 гектар ерни 8—12 сантиметр чуқурликда ҳайдаганлар. XVIII партсъезд номли колхозда гектарига 110 килограмм уруғ сепилган. «Ленинизм» колхозида кузги дон экиладиган ерлар 6—8 сантиметр чуқурликда чала ҳайдалган.

Самарқанд областида район давлат уруғчилик инспекцияси текшириб кўрмаган дон уруғлари экилмоқда. Жомбой районида 26 гектар ва Пахтакор районида 14 гектар ерга текширишдан ўтмаган уруғ экилган. Қашқадарё областининг Чироқчи районидаги колхозларда 1.997 центнер дорилинмаган уруғ сепилган. Кузги дон экишдаги бундай камчиликлар бошқа областларда ҳам бор. Бу фактлар бирқанча область, район, МТС ва колхозларда кузги дон экишни юқори сифатли ўтказишга ва бу ишда йўл қўйилаётган қўпол бузилишларга э'тибор бермаганликларини кўрсатади. Сон кетидан кувиб, ишнинг сифатига э'тибор бермаслик, кузги дон экиш агротехника қоидаларини бузиш — келгуси йилда бошоқли дон экинларининг кам ҳосил беришига муқаррар сабаб бўлади.

Ер ишлари ва Техника экинлари министрликларининг органлари, биринчи навбатда агрономия ходимлари кузги дон экиш ишининг сифатини доим назорат қилиб туришлари керак. Агрономия ходимлари кузги дон экишни юқори сифатли ўтказиш, агротехника қоидаларига риоя қилиш учун большевикча қатиқ қурашмоқлари керак. Ерларни сифатсиз ишлаш, агротехника қоидаларини бузиш ҳолларига дарҳол барҳам бериб, айбдорларни қаттиқ мас'улиятга тортиш керак. Бу ишдаги ҳамма камчиликлар МТСларда агрономия ходимлари орасида, район ер бўлими ва техника экинлари бўлимида муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва уларнинг бундан кейин такрорланмаслиги учун амалий чоралар кўриш лозим. Шу билан бирга МТС трактормлари, бригада ва участка механиклари ўз вазифаларига ҳалоллик билан қарашлари керак. Трактормлар, бригада ва участка механиклари фақат яхши ва а'ло ишлашлари керак. Улар белгиланган кунлик топшириқларни бажариш билан бирга ишни юқори сифатли ўтказишлари зарур. Трактормларга иш ҳақини бажарилган иш сифатига қараб тўлаш керак. Фақат яхши бажарилган иш учун ҳақ тўлаб, бракни айбдорлар ҳисобига ёзиш ва ҳақ тўламаслик, сарфланган ёнилғи ҳаражатини мавжуд қоидаларга мувофиқ, улар ҳисобига ёзиш, қасддан иш сифатига риоя қилмовчиларни эса, жавобгарликка тортиш керак.

Бу ишда МТС партия ташкилотлари зиммасига катта ва мас'улиятли вазифа юклатилади. Кўпгина МТСларда партия ташкилотлари кўнгилдагидек ишламайди. Улар тракторчилар ўртасидаги ишни кучайтириб, уларнинг ишга ҳалол қарашини та'минлашлари лозим.

Ниҳоят, иш сифатини яхшилашга яна бир муҳим масалага э'тибор бериш керак. У ҳам бўлса, МТС бажараётган ишнинг сифатига колхозларнинг етарли э'тибор бермаслигидир. Ҳозиргача кўп колхозлар МТСлар бажараётган ишга МТС ерни қандай ҳайдаса, колхоз буни суриштирмай қабул қила беради. Колхоз раҳбарлари шунга эришмоқлари керакки, дала бригадаларининг бошлиқлари, ҳосилот советлари ва колхоз активлари иш сифатини ва агротехника талабларининг бажарилишини доим текшириб туришлари лозим. Колхоз раҳбарлари талабчанликни ошириб, ёмон сифатли ишларни брак қилишлари керак. Колхоз раислари шуни эсда тутишлари керакки, МТСларнинг ишни сифатсиз бажариши ҳосилга зарар етказади, шу сабабдан иш сифатини яхшилашни талаб қилиш ҳарбир колхоз раҳбарининг асосий вазифасидир. Колхоз раҳбарлари МТСлардан иш сифатини яхшилашни, МТСлар эса, колхозларга тракторчилар учун яхши иш шароити яратиб берилишини талаб қилишлари лозим.

Ҳозирги даврда кузги дон экиш учун ер майдонларини тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Кузги дон экиладиган ер майдонларининг тўғри танланиши ишнинг сифатига ёрдам беради. Даставвал ёзда шулғорланган ерлардан сабзавот, зигир ва ковун-тарвуз каби экинлардан бўшаган юмшоқ ерлардан фойдаланиш керак. Ҳайдаш учун ер танлашга катта э'тибор бериб, яхши ҳайдаш мумкин бўлган юмшоқ ерларни ажратиш лозим. Бундай ерлар колхозларимизда бор. Ана шу шартларга риоя қилиб, иш сифатини ва асосий агротехника қоидаларининг бажарилишини назорат қилиб турганда кузги дала ишларини юқори сифатли қилиб, ўтказиш ва дон экинларининг мўл ҳосил беришини та'минлаш мумкин.

Р. В. ТОМАШЕВСКИЙ.
ЎзССР Ер ишлари министрлигининг бош агрономи.

ПАРИЖ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ИТАЛИЯДАН ИТТИФОҚЧИ ДАВЛАТЛАРГА УТАДИГАН ТЕРРИТОРИЯЛАРДАГИ ГРАЖДАНЛИК ТЎҒРИСИДА

ПАРИЖ, 22 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Италияга доир сиёсий масалаларни ва территория масалаларини кўрувчи комиссиянинг кечаги кечки мажлиси 5 соатдан ортиқ давом этди. Бу мажлис сулҳ шартномаси лойиҳасининг Италиядан иттифоқчи давлатларга ўтадиган территорияларда гражданлик тўғрисидаги 13-нчи моддасини муҳокама қилишга бағишланган эди. Австралия, Бразилия, Греция ва Югославия делегацияларининг тузатишлари муҳокама қилинди.

Комиссия мажлисида Америка Қўшма Штатлари делегацияси киргизган таклиф теварагида қизғин мунозара бўлди.

Югославия вакили Беблер бу таклифга кескин суратда қарши чиқди ва Югославия Америка делегацияси талаб қилаётган сиёсий ҳуқуқларининг ҳаммасини та'минлайди, деди.

Польша делегацияси Америка Қўшма Штатлари делегациясининг таклифини қабул қилса, 13-нчи модданинг тегишли қисми 14-нчи моддани батамом такрорлаганлиги ма'лум бўлади, бунда фақат шу фарқ борки, 14-нчи моддада ба'зи мамлакатлар кўрсатилган бўлса, 13-нчи модданинг 4-нчи бандида бошқа мамлакатлар кўрсатилган. 14-нчи моддада илгариги душман мамлакатлар тўғрисида гапирилади, 13-нчи модданинг 4-нчи бандида эса, Бирлашган миллатлар ҳай'атида бўлган иттифоқчи дўст давлатлар ҳақида гапирилади.

Совет делегацияси фикрича, илгариги душман мамлакатлар зиммасига юкланадиган мажбуриятларни иттифоқчи давлатларга нисбатан жорий қилиш мутлақо нотўғри бўлур эди. Бу ҳол истиқболни бузиб тасвирлаш, бу масалада иттифоқчи давлатларни Германиянинг илгариги иттифоқчиси, илгариги душман давлат бўлмиш Италия билан бир қаторга қўйишни билдирар эди. Ҳолбуки, Италияда кенг демократик принципларни амалга ошириш йўлидаги масалаларда ма'лум вақтгача уни контроль қилиб туриш талаб этилади.

Биз, Италияда фашизм қолдиқлари ҳали батамом тугатилмаганлигини унутмаслигимиз лозим. Газеталарнинг кечагина чиққан сонида э'лон қилинган хабарга қараганда, Италия республикачилар партиясининг секретари Рандольфо Паччарди парламент группаси ва партия раҳбарлиги номидан министрлар советининг раиси де Гасперига хат ёзган. У мазкур хатида ҳукуматнинг сиёсатидан қаноат ҳосил қилмаганлигини ва республикачилар партиясининг коалицияда бундан кейин иштирок қилиш шартларини билдиради. Бу, албатта, итальянларнинг ўз ишидир. Аммо, республикачилар партияси секретарининг Италиядаги аҳвол тўғрисида айтган гаплари биз учун муҳимдир. У қуйидагиларни айтади: «... Монархист ва фашист гуруҳлар республикани бузиш йўлида ошкора ҳаракат қилмоқдалар. Республика тузумининг душманлари идораларда муҳим лавозимларда туриптилар, улар министрларнинг кўрган чораларига қарши чиқмоқдалар». Паччарди матбуот тўғрисида янги қонун чиқарилганига қадар фашистлар матбуотига қарши сиёсий чоралар кўриш, ташқи ишлар министрлигининг мамлакатдаги ва чет эллардаги ходимлари составини қайтадан кўриб чиқиш, фашист генералларни ҳарбий министрликлар раҳбарлигидан четлатиш ва шу сингари чоралар кўришни талаб қилади.

Шундай қилиб, Италия республикачилар партиясининг раҳбари Рандольфо Паччарди Италия фашистларининг республика асосларига путур етказаётганлигини, идоралардаги муҳим лавозимларда шу вақтгача қолиб келаётганликларини ва мамлакатни тиклашга «интилаётган министрларнинг кўраётган чораларига қарши чиқаётганликларини тасдиқлайди.

Франция ва Югославиядаги вазиятни шу аҳвол билан бирор даражада тенглаштириб бўладими? Бундай таққослаш тўғрисида гапиришнинг ўзи ҳам иттифоқчимиз бўлган ана шу давлатларга нисбатан ҳақорат бўлур эди.

Шуни айтишим керакки, Америка Қўшма Штатлари делегацияси тузатишларининг қабул этилиши Бирлашган миллатлар ташкилотига ҳам зарба берган бўлур эди. Комиссиямиз ва умуман конференциямиз бу тузатишни қабул қиладиган бўлса, катта хатолиққа йўл қўйилган бўлур эди.

Югославия вакили Беблер Югославия конституцияси Америка Қўшма Штатлари делегацияси тақдим этган тузатишдаги ҳамма ҳуқуқларни та'мин этади, деди. Бу тўғри гап. Бу конституциянинг моддаларини эсга солиб ўтиш мумкин. Масалан, Югославия конституциясининг 21-нчи моддасида қуйидагилар айтилади:

«Югославия Федератив Халқ Республикасининг ҳамма гражданлари қайси миллат, қайси ирқ ва динда бўлишларига қарамай қонун олдида тенгдирлар.

Қайерда туғилганлиги, даражаси, мулкий аҳволи ва билимига қараб ҳеч қандай имтиёз берилмайди.

Миллат, ирқ ёки дин айирмаларига қараб, гражданларга ҳарқандай ҳуқуқ бераладиган ёки уларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ҳарқандай чора, шунингдек миллий, ирқий ёки диний душманлик ва низо'ларга ундаш йўлидаги ҳарқандай ҳаракатлар қонунга хилоф бўлиб, шундай ишлар билан шуғулланувчиларга жазо берилади, деб э'тибор қилинади.

Сўнгра, матбуот, сўз, уюшиш, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш тўғрисидаги 27-нчи моддани, виждон эркинлиги ва э'тиқод эркинлиги ҳақидаги 25-нчи моддани, шахснинг дахлсизлиги тўғрисидаги 28-нчи моддани, уй-жойнинг дахлсизлиги тўғрисидаги 29-нчи моддани, Югославиядаги майда миллатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги 13-нчи моддани эсга солиб ўтиш мумкин.

Конституцияда шундай гарантиялар берилгани ҳолда, илгариги душман давлат бўлмиш Италия зиммасига юкланадиган мажбуриятларни иттифоқчи давлат зиммасига ҳам юклаб, буни сулҳ шартномасида қайд қилиш нега керак? Италия ҳали ҳам фашизм хавфи остида турипти, Паччарди айтгандек, фашизм республика асосларини қақшатмоқда.

Польша вакили, бу ерда Бирлашган миллатлар ташкилотининг уставини ҳақли суратда эсга солиб ўтди. Бу устав иттифоқчи давлатларнинг ҳаммаси имзолаган.

Мен Бирлашган миллатлар уставининг иккинчи моддасини эсга солиб ўтаман. Бу ерда ана шу модда ҳақида сўз бўлмади. Бу моддада қуйидагилар айтилади: «Ушбу устав Бирлашган миллатлар ташкилотига ҳарбир давлатнинг ўзига ҳос ички ишларига аралашиш ҳуқуқини асло бермайди».

Америка Қўшма Штатлари делегацияси таклиф этаётган тузатиш Бирлашган миллатларнинг ички ишларига тўғридан тўғри аралашиш эмасми? Америка Қўшма Штатлари делегациясининг тузатиши қабул қилинадиган бўлса, ба'зи мустақил давлатларнинг суверенитети ҳақида ҳам хавф остида қолади. Ана шу мустақил давлатларнинг буни кўрмаётганлигига ажабланиш мумкин, халос.

Совет делегацияси Америка Қўшма Штатлари делегациясининг таклифи давлат мустақиллиги ва демократия принципларига қарама-қаршидир, деб ҳисоблайди. Шу сабабдан, совет делегацияси бу таклифнинг рад қилинишини талаб этади.

Америка Қўшма Штатлари делегациясининг таклифи қабул қилинса, бу — катта хатолик бўлур эди. Шу сабабдан, конференциянинг тақдири тўғрисида ғамхўрлик қилаётган кишиларнинг вазифаси даставвал конференция обрўсига жиддий зарар етказадиган ана шундай уринишларнинг олдини олишдан иборат. Совет делегацияси Америка Қўшма Штатлари делегациясининг таклифига қарши овоз беради ва вакилни худди шундай ҳаракат қилишга да'ват этади.

Америка Қўшма Штатлари делегацияси ва унинг тарафдорлари Вишинскийнинг далилларига қарши чиқмадилар. Шу вақтгача кўп марта бўлганидек бу масалада ҳам «овоз бериш пайранги» ишга солинди.

СССР, Югославия, Польша, Чехословакия, Украина, Белоруссия делегациялари Америка делегациясининг таклифига қарши овоз бердилар. Бошқа делегациялар бу таклифни ёқлаб овоз бердилар. Комиссия Бразилия ва Греция делегациялари таклиф қилган тузатишларни рад этди. Австралия делегациясининг тузатиши ҳам рад этилди. Югославия делегациясининг тузатишлари тўғрисидаги масалани ҳал этиш, келгуси мажлисга қолдирилди.

ИТАЛИЯГА ДОИР СИЁСИЙ ВА ТЕРРИТОРИЯ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРУВЧИ КОМИССИЯДА

ПАРИЖ, 23 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Италияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўрувчи комиссиянинг бугунги мажлисида Италия билан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг бошқа давлатларга берилаётган территориялардаги гражданликка тааллуқли ва граждан ҳуқуқларига доир 13-нчи моддаси 12 овоз билан ма'қулланди, бу моддага 2 делегация қарши овоз берди ва 6 делегация бетараф қолди. СССР делегацияси бу модда овозга қўйилган пайтда бетараф қолди, чунки бу текстнинг сўнгги таҳririда Америка Қўшма Штатлари делегацияси томонидан киргизилган қўшимча бор эди. Совет делегацияси ўтган мажлисда ана шу қўшимчага қарши овоз берган эди (бу илова бирқанча иттифоқчи давлатларнинг ички ишларига аралашиш билан баробардир). Шундай қилиб, Америка делегациясининг 13-нчи моддага киргизган тузатиши ҳақида комиссиянинг қарори мазкур тузатишни тавсия қилмоқ учун овозларнинг учдан икки қисмини тўпламади.

Комиссия сулҳ шартномасининг Италия мустамлакаларига доир 17-нчи моддасини муҳокама қилишга киришди.

ИТАЛИЯ МУСТАМЛАКАЛАРИГА ДОИР МАСАЛАНИНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИ

Ташқи ишлар министрлари кенгаши Италия мустамлакалари масаласи юзасидан якдиллик билан қарор чиқаролмаганлигини эслатиб ўтайлик. Шу сабабдан, бу масала бир йилдан кейин ҳал этилсин деб қарор чиқарилган эди. Италия билан тузиладиган ва Ташқи ишлар министрлари кенгаши тақдим этган сулҳ шартномаси лойиҳаси 17-нчи моддасининг ҳозирги таҳririда бундай дейилади:

«1. Италия ўзининг Африкадаги территорияларига, чунончи Ливия, Эритрея ва Италия, Сомалисига нисбатан бўлган ҳуқуқларидан ва талабларидан воз кечади.

2. Бу ерларнинг тақдири ҳақида узил-кесил қарор қабул қилинганига қадар, улар ҳозирги ма'мурият қўлида қолади.

3. Бу ерларнинг узил-кесил тақдири мазкур шартнома кучга кирган кундан кейин бир йил ичида ССР Иттифоқи, Бирлашган Корольлик, Америка Қўшма Штатлари ва Франция ҳукуматлари томонидан биргаликда узил-кесил ҳал этилади...».

Комиссия Италиянинг мустамлакалари масаласини муҳокама қилишга киришганида, бу масала юзасидан Италия делегациясининг баёнотини эшитди. Италия вакили Бономи ўз нутқида сулҳ шартномаси лойиҳасида Италиянинг мустамлакаларга бўлган ҳуқуқларидан воз кечиш ҳақида гапирилишига қарши э'тироз билдирди. Шу билан бирга, у Италиянинг мустамлакалари ҳақидаги масалани ҳал этиш бир йилга кечиктирилган тақдирда, бу мустамлакалар Англия ҳарбий ма'мурияти ва қисман Франция ҳарбий ма'мурияти ихтиёрида олиниб, Италия граждан ма'мурияти ихтиёрига берилсин, деб илтимос қилди.

Ма'лумки, Бономи Италиядаги ҳукмрон доираларнинг империалистик майлларини ифода қилувчи кишидир. Бономи, Италиянинг Африкада ўзи босиб олган ерларда гўё иқтисодий ва маданий хизмат қилгани ҳақида гапирди. Бономи Италиянинг мустамлакалар босиб олиш тарихидаги қонли саҳифалар ҳақида ва маҳаллий аҳолини шафқатсизлик билан қул қилганлиги ҳақида ҳеч гап айтмади. Бономининг бутун нутқи Италиянинг илгариги империалистик сиёсатини оқлашга уринишдан иборат эди. У, фашист усул-идорасининг роли ҳақида шунчаки гапирди ва икки ма'ноли сўзлар айтди.

Миср вакили Васфий Али пошшо Миснинг Италияга нисбатан территория жиҳатидан қўйган да'воларини баён қилди. Миср Массов портини Эритреядаги бошқа территорияларни, Жарабуб воҳасини ва Соллум тоғлик районларини талаб қилади.

Хабашистон вакили Италиянинг Хабашистонга қарши агрессия қилишга узил-кесил хотима берилишини яна бир марта сўради. Бу агрессия фашизм натижасигина бўлиб қолмай, балки фашизм давридан илгари ҳам бор эди. Италия мустақил миллат бўлмиш Хабашистонни йўқотишга ва уни Италиянинг мустамлакасига айлантиришга кўп замонлардан буён интилиб келди. Италиянинг 1935 йилда Хабашистонга қилган ҳужуми кўп йиллик фожианинг сўнгги кўринишигина бўлди, халос.

Италия Эритрея устидан ўз ҳукмронлиги муддатини узайтиришни талаб қилишга сира ҳам ҳақли эмас. Италия ҳукуматининг бундай қилиши учун на этник, на иқтисодий ва на бошқа сабаблари йўқ. Эритрея Италиянинг Хабашистонга қарши агрессия қилиши учун ҳамиша база бўлиб келди, халос.

Сўнгра, Хабашистон вакили Эритрея Хабашистонга қўшишни ёқлаб далиллар келтирди. Хабашистон ҳукумати Эритрея дарҳол Хабашистонга қўшишни сўрайди.

Хабашистон вакили Италия делегациясининг илгариги мустамлакалар Италиянинг ўз иҳтиёрида қолдирилсин деб қилган талабидан тааажжубланганлигини айтди. Хабашистон вакили Бономининг инсонпарварлик, тараққиёт ва маданиятга ёрдам бериш мулоҳазалари илгариги мустамлакаларни Италия ихтиёрида қолдиришни тақозо этади, деган гаплари ҳақида тўхталиб, бундай деди:

— Африка—Сенуссия, Ливия, Эритрея, Сомали халқлари Италия усул-идораси ва Италия маданияти нимадан иборат эканлигини жуда яхши биладилар.

Бразилия вакили ўз делегацияси киргизган тузатишни ёқлади. Бу тузатишнинг ма'носи Ливия устидан (Киренаика бундан мустасно), Эритрея ва Италия Сомалиси устидан халқаро васийлик ўрнатиш ва уларни идора қилишни Италияга топширишдан иборат.

Мажлисда Янги Зеландия вакили ҳам чиқиб сўзлади. У, Италия, Ливия, Эритрея ва Италия Сомалисига нисбатан бўлган ҳамма ҳуқуқларидан воз кечсин, токи Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеяси бу территорияларнинг тақдири тўғрисидаги масалани ҳал этсин, деб таклиф қилди. Шунга қадар, Янги Зеландия делегацияси Италиянинг илгариги мустамлакалари Англия ҳарбий ма'мурияти ихтиёрида қолдирилсин деб таклиф этган эди.

СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИ НИНГ КОМИССИЯЛАРИДА

ПАРИЖ, 23 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Болқон мамлакатлари ва Финляндияга доир иқтисодий масалаларни кўрувчи комиссияда Румония билан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг «иқтисодий масалалари тўғрисидаги қарорлари», жумладан, Бирлашган миллатлар ва уларга қарамли гражданларнинг Румониядаги ҳуқуқларига доир 24-нчи моддаси муҳокама қилинди.

Австралия делегацияси уруш вақтида Австралияга кўчиб бориб жойлашган ва эндиликда Австралия гражданлигига ўтиш ниятида бўлган илгариги румин фуқароларининг қўлидан кетган мулкларини қайтариб олиш ҳуқуқи таъминлаш деб таклиф қилди.

Совет вакили Герасименко Бирлашган миллатлар гражданлари «манфаатларини ҳимоя қилиш» деб аталган ва ҳеч нарса билан асосланмаган бу таклифга қарши э'тироз билдирди.

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

Машҳур рус реалист ёзучиси

(И. А. Гончаровнинг вафотига 55 йил тўлиши муносабати билан)

В. Г. Короленко тили билан айтганда, «Гоголь мактабидан чиққан энг порлоқ реалистлардан бири» Иван Александрович Гончаров 1812 йил 6 июньда Симбирск (ҳозирги Ульяновск) шаҳрида туғилди. Ўша вақтда дворянлар ва савдогарлар муҳити билан ўраб олинган қадимги губерна шаҳарчасида, И. А. Гончаровнинг ёзишича, «ухлоқлик ва турғунлик манзаралари»ни кўриш мумкин эди. Гончаровнинг болалиги ярим-савдогар, ярим-дворян оила шароитида ўтди.

И. А. Гончаров болалигида, аввал, хусусий дворянлар пансионида, кейин эса, Москвада, савдо билим юртида ўқиди. 1831 йилда И. А. Гончаров Москва университетининг адабиёт бўлимига кириб ўқий бошлади. У, бу ерда илғор ёшларнинг вакиллари — Белинский, Герцен, Станкевич, Лермонтов, Огарев, К. Аксаковлар билан учрашди. Бу кишилар, декабристлар қўзғолони бостирилгандан кейин бошланган реакцияга қарши курашдилар. Герцен ва Станкевич тўгаракларига уюшган студентлар илғор сиёсий ғоялар билан қуролланиб, бу ғояларни матбуот орқали тарғиб қилдилар. И. А. Гончаров ўзининг дунёга қараши нуқтаий назаридан бу ёшлар билан маслакдош эмас эди, аммо университетдаги ёшлар ҳаракати унинг онгига ва шундан бирнеча йил кейин бошланган адабий фаолиятига та'сир кўрсатмай қололмади.

И. А. Гончаров, Москва университетини тамомлаганидан кейин, аввал Симбирск шаҳрида, кейин Петербургда давлат муассасаларида узоқ вақт хизмат қилди.

1847 йилда, Некрасов томонидан ташкил этилган «Современник». («Замондош») журналида И. А. Гончаровнинг «Оддий саргузашт» деган биринчи романи босилиб чиқди. Бу роман Гончаров реалистик ижодиётининг биринчи йирик асари эди. Адабий жамоатчилик бу романга ижобий баҳо берди. В. Г. Белинский бу асар тўғрисида: «Гончаровнинг қиссаси Питерда катта муваффақият қозонди! Ҳамма унинг фойдасига гапиряпти», деб ёзди.



Шундан кейин, И. А. Гончаров ўзининг машҳур «Обломов» романини ёзаботлади. Бу романнинг дастлабки боблари 1849 йилда босилиб чиқди. Реалист ёзучи ўзининг бу катта асарида феодал-крепостнойлик тузумининг чиришлигини, бу тузим туфайли келиб чиққан муҳитни ва айрим шахслардаги кайфиятларни ҳаққоний тасвирлаб берди. Бу роман И. А. Гончаровга ўлмас шуҳрат келтирди.

И. А. Гончаров ўзининг бу асари билан феодал крепостнойлик тузуми даврида дворянлик муҳитида ҳукм сурган ҳаракатсизлик ва ҳаёлпарастликни фош қилди, шундай ҳаракатсизлик, ҳаёлпарастлик ва танбалликни яратган крепостнойликни қаттиқ қоралади.

Романнинг асосий қаҳрамони Обломов крепостнойлик муҳитида яшаган помешчикларнинг характерли типидир. Обломов ёшлигида университетда ўқиб кўради, тўралик мансабида ишлашга ҳаракат қилади, лекин, тез вақтда исте'фога чиқади, Петербургга келади ҳамда ер-мулкидан олган даромадлари билан яшай бошлайди.

Обломов иш қилмайди, жамиятга бирор фойда келтирмайди, кеча-кундуз тушакда ётиб, беҳуда хаёллар дунёсига берилади. Унинг иродаси кучсиз, унга танбаллик ва бегамлик ҳоким. Обломов — ҳаёт учун кураша олмайдиган одам. Обломовнинг иродасизлиги, танбаллиги шунга олиб келадики, у жамиятдан ажралиб қолади. У, умрини ёлғиз хонада бекорга ўтказади. Ёзучининг та'бирича, Обломовнинг «калласи жонсиз ишлар, шахслар, даврлар, рақамлар, динлар, ҳеч нарса билан алоқаси бўлмаган сиёсий-иқтисодий, ҳисобий ва бошқа гаплар, масалалар, ҳолатлар ва ҳоказоларнинг архиви эди...»

Илья Ильич Обломов ҳатто ётган еридан қимирлашга кўрқади. Ер-мулкидаги хўжалик ишларида сал ўзгариш юз берса, Обломовни ваҳима босади, бир уйдан иккинчи уйга кўчиб ўтиш керак бўлса, уни даҳшат қоплайди.

«Обломовчилик» ибораси рус адабиётида, рус жамоатчилиги орасида машҳур бўлиб кетди. Илғор рус ма'рифатчилари жамиятнинг ривожланиши, маданий тараққиёт йўлидаги танбаллик ва ҳаракатсизликдан иборат барча тўсиқларни «обломовчилик» деб қаттиқ қораладилар ва бундай ҳолларга қарши омонсиз курашдилар.

Машҳур рус танқидчиси Н. А. Добролюбов ўзининг «Обломовчилик нима?» деган мақоласида «Обломов» романини ўша даврнинг энг яхши, реалистик асарларидан бири деб атади. Н. А. Добролюбов ўзининг бу мақоласида И. А. Гончаровнинг романи рус ҳаётини чуқур тасвирлаб берганини, «жонли, замонавий рус типини омонсиз қат'ият ва ҳаққоният билан» тасвирлаб берганини уқдириб кўрсатди.

Обломовдаги ҳаракатсизлик, парвосизлик, танбаллик, Добролюбовнинг фикрича, рус адабиёти яратган машҳур типларнинг деярлик барчасида — Онегинда ҳам, Печоринда ҳам, Маниловда ҳам, Бельтов ва Рудинда ҳам бор эди. Булар ма'лум даражада типчилик ва рўҳатга интилганлар, меҳнатдан, ижоддан узоқ бўлганлар. Уларнинг ҳаётга, жамиятга ва оилага муносабатлари бир хил. Улар амалий фаолиятга ярамайдилар, кўпинча ҳаёл сурадилар, ўз шахсий фароғатларини ўйлайдилар.

Рус адабиётида яратилган бундай типларнинг ўз ижтимоий илдизлари бор. Уларни феодал-крепостнойлик муҳити яратган. Россияда пайдо бўлиб келаётган буржуа воқи'лиги Обломовларни кераксиз кишилар сифатида четга чиқариб қўйди. Шунинг учун ҳам улар ўзларини маҳкум этилган кишилар деб ҳис қилдилар.

Пролетариатнинг буюк доҳийси В. И. Ленин «обломовчилик» та'бирини ўз асарларида жуда кўп марта ишлатди. Ленин «обломовчиликни» ўтмишнинг ёмон қолдиғи сифатида қоралади, бундай нуқсон кўп кишиларда ҳали ҳам яшаб келаётганини кўрсатиб берди. В. И. Ленин шундай деди:

«Рус ҳаётида Обломов деган тип бор эди. У, ҳамма вақт кроватьда ётар ва планлар тузар эди. У яшаган замондан бери анча вақт ўтиб кетди. Россия уч марта революция қилди, лекин обломовлар ҳали ҳам қолиб келмоқда, чунки Обломов фақатгина помешчик эмас, шу билан бир вақтда деҳқон ҳам эди, фақатгина деҳқон эмас, шу билан бир вақтда зиёлий ҳам эди, фақатгина зиёлий эмас, шу билан бир вақтда ишчи ва коммунист ҳам эди. Эски Обломов ҳали ҳам бор, бирор иш чиқармоқ учун уни ювиш, тозалаш, боплаб қоқиш ва савалаш керак деган хулосага келиш учун бизга, бизларнинг мажлис қилишимизга, бизларнинг комиссияларда ишлашимизга назар солишишнинг ўзи кифоя». (В. И. Ленин, асарлар тўплами, XXVII жилд, 177 бет).

И. А. Гончаровнинг «Оддий саргузашт», «Обломов» ва «Жар» деган романлари катта трилогияни ташкил этади. Мана шу ҳар уччала китобда ўзининг реалистик, ҳартарафлама тасвири, воқианинг кенглиги, типларнинг мукаммаллиги билан Обломов романи алоҳида ўринни эгаллайди.

«Обломов» романида бир қатор ижобий типлар ҳам бор. Романнинг иккинчи қаҳрамони Андрей Штольц Обломовга тамомила қарама-қарши қўйилган. Бу ғайратли йигит: «Меҳнат — ақалли менинг ҳаётимнинг образи, мазмуни, жараёни ва мақсадидир» дейди. Штольц мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти учун, деҳқонларни озод қилиш учун, халққа ма'рифат тарқатиш учун курашади. Андрей Штольц Обломовни ҳаётга ва фаолиятга қайтариш учун кўп ҳаракат қилади. Лекин мақсадига етолмайди. Шундан кейин, Обломовнинг ўғлини ўзи каби ғайратли, меҳнатсевар қилиб тарбиялашга киришади.

«Обломов» романида рус қизи Ольга Ильинская образи жуда яхши яратилган. Ольга Ильинская ҳаётни севучи, ўзини гўзал ҳаёт учун фидо қилаоладиган рус қизларининг вакилидир. Ольга Обломовни севади. У, Обломовнинг нуқсонларини, унинг аҳволи ва тақдирини билади. Ольга Обломовни қайта тарбиялашга, уни одам қилишга киришади. Ольганинг интилишлари, ички кечирмалари турмуш ҳам жамият ишларига аралашиш, янгича рус аёлларининг интилишлари, ички кечирмаларидир. Ольганинг севгиси чуқур мазмунли севги. У: «Мен учун севги ҳаёт билан баробар... ҳаёт эса бурчим, вазифам, демак, севги ҳам бурчим», дейди.

Ольга Ильинская Обломовни тарбиялай олмайди. Улимга маҳкум этилган Обломов қизнинг юксак, олийжаноб муҳаббатига сазовор эмас эди. Шундан кейин, Ольга Андрейга турмушга чиқади.

И. А. Гончаровнинг романларида рус хотин-қизларининг бир қатор порлоқ образлари яратиб берилди. Белинский Гончаровни: «Хотин-қизларнинг характерларини одатдан ташқари сан'аткорлик билан тасвирлаб берган ёзучи» деб айтди.

И. А. Гончаров XIX аср рус адабиётининг энг машҳур намоёндалари—А. С. Пушкин, А. С. Грибоедов, М. Ю. Лермонтов, Белинский, Гоголь, Герцен, Тургенев, Некрасов, Чернишевский, Добролюбов, Островский, Салтиков-Шчедрин, Лев Толстойлар билан замондош бўлди. И. А. Гончаровнинг ўзи ҳам бир қатор ажойиб реалистик романлар яратиб, рус классик адабиёти хазинасини бойитди.

И. А. Гончаров умрининг сўнгги йилларида бирмунча публицистик мақолалар ёзди. Унинг «Адабий кеча», «Университетда», «Ватанда», «Миллион азоблар», «Кечроқ бўлса ҳам, бўлмаганидан бўлгани яхши», «Эски замоннинг қароллари» каби мақолалари босилиб чиқди.

Машҳур рус реалист ёзучиси Иван Александрович Гончаров бундан 55 йил бурун, 1891 йил 27 сентябрьда Петербургда вафот этди.

Пушкин ва Гоголь ижодиётидаги реализмнинг давоми бўлган Гончаров реализми рус адабиётининг кейинги тараққиётига катта ижобий та'сир кўрсатди. Гончаровнинг «Обломов» романи рус ижтимоий ҳаётида ўзининг фош қилувчилик ғояси билан мислсиз хизмат қилди. И. А. Гончаров ижодиётининг социализм ғалаба қилган бизнинг совет мамлакатимиз халқлари учун ҳам тарбиявий аҳамияти жуда каттадир.

Ҳамид ҒУЛОМ.

Париж Сулҳ Конференциясида

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Комиссия Австралия делегациясининг таклифини рад этди.

***

Ҳарбий комиссия мажлисида Греция делегациясининг Булғория ҳарбий кучларини сулҳ шартномаси лойиҳасида кўрсатилганидан ҳам кўпроқ чеклашни таклиф этган тузатишлари муҳокама қилинди. Жумладан, Греция делегацияси Булғория чегараларидаги ҳарбий кучларни тамомила битиришни талаб қилди. Булғориянинг ҳарбий кучлари жиддий равишда чеклангапига қарамай, Булғория чегарасида ҳарқандай мудофаа иншоотлари деярлик йўқлигига қарамай, Франция ва Америка Қўшма Штатларининг вакиллари Греция делегациясининг талабларини қувватладилар.

СССР, Югославия ва Белоруссия вакиллари Греция делегациясининг тузатишига қарши чиқдилар. Бу тузатишларни муҳокама қилиш келгуси мажлисда давом этдирилади.

***

Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасидаги иқтисодий моддаларни муҳокама қилиш давомида иттифоқчи ва Бирлашган давлатлар территорияларидаги итальян мулкларига тааллуқли 69-нчи модда юзасидан қизғин музокаралар бўлди.

Италияга доир иқтисодий масалаларни кўручи комиссиянинг мажлисида Украина вакили Барановский сўзлади. Барановский айтдики, расмий ма'лумотларга қараганда, Италиянинг ва Италияга қарашли гражданларнинг Бирлашган миллатлар мамлакатларида бўлган ва шу мамлакатлар томонидан белгиланадиган маблағ ва мулклари камида 200 миллион долларни ташкил этади.

Аммо, Италияга ва унинг гражданларига қўйиладиган да'воларнинг миқдори ма'лум эмас. Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг 69-нчи моддасида баён қилинган ана шу ҳақни ундириб олиш усули ҳаддан ташқари кўп талаб қўйишга имкон беради.

Италиянинг иқтисодий ва молиявий аҳволи ҳали ҳам оғир. Иттифоқчи давлатлар репарациялар тўғрисидаги масаладагина эмас, балки Италия олдига бошқа моддий да'волар қўйишда ҳам инсоф блан ҳаракат қилишлари керак эди.

Украина Совет Иттифоқининг урушдан ва оккупациядан энг кўп зарар кўрган республикаларидан биридир. Герман-итальян қўшинларининг биргаликда қилган ҳаракатлари натижасида, Украинага етказган зарарлари бугун Совет Иттифоқининг (Совет Иттифоқи Украина манфаатларини ҳам ифода қилади) Италиядан оладиган умумий репарация миқдоридан неча ўн марталаб ортиқдир. Украина ўзига етказилган зарарларни репарациялар ҳисобидан ёки бошқа манба'лардан тамомила қоплашни талаб қилишга ҳақли эди, бундай қилиш адолатли бўлур эди. Аммо, Совет Иттифоқидаги бошқа республикалар сингари Украина ҳам ҳаддан ташқари талаб қўйган кўп мамлакатлар йўлидан бормади. Украина ўзига етказилган зарарни қисман қоплашни талаб этиш блан ғоят зўр олижаноблик қилди.

Репарация олишдан воз кечган ба'зи иттифоқчи ва Бирлашган давлатлар, чунончи Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Буюк Британия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар 69-нчи моддадан кенг суратда фойдаланиб, ўз талабларини бошқа тарзда ундириб олишга интиладилар.

Масалан, Хитой шу моддага биноан, ўз территориясида бўлган қарийб 50 миллион долларлик итальян мулкини олишга ҳақли деб айтадилар. Америка Қўшма Штатларининг собиқ молия министри Винсоннинг ма'лумотларига қараганда, Америка Қўшма Штатларидаги Италия мулклари 130 миллион доллардан ортиқдир. Англия матбуоти Италиянинг Англиядаги маблағ ва мулкларини 55-60 миллион доллар миқдорида кўрсатади. Ҳиндистон, Франция ва бошқа мамлакатлар ҳам кўрган зарар ва талафотларини Италиянинг чет эллардаги маблағ ва мулклари ҳисобидан қоплашни талаб этмоқдалар. Аммо, улар ўз мамлакатларидаги шундай маблағ ва мулкларнинг миқдорини кўрсатмайдилар.

Шундай қилиб, Италиянинг чет элларда бўлган ва иттифоқчи ҳамда бирлашган давлатларга топшириладиган маблағ ва мулкларини олиш, репарация ҳақларини ундириб олишнинг ниқобли шакли эмасми? 69-нчи модда юзасидан Италия олдига қўйиладиган талабларнинг ҳатто умумий миқдорини билмаган ҳолда, Италия мулкларини олишга рухсат берадиган шу моддадаги низомларни қабул қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Италиянинг чет эллардаги мол-мулкларининг бошқалар чекланмаган миқдорда олишига йўл қўйсак, адолатсизлик ва ҳақсизлик бўлур эди.

Украина вакили айтдики, Украина делегацияси бу моддани қўлланишда ўзбошимчаликка йўл қўймаслигини истайди ва Италия делегациясининг 69-нчи модда ҳақидаги мулоҳазаларини муҳокама қилишни, ҳарбир мамлакатнинг шу моддага мувофиқ қўядиган талабларининг характери, миқдори ва асосли эканлигини аниқлаш учун кичик комиссия тузишни ва ҳарбир иттифоқчи ёки бирлашган давлат территориясида бўлган ва шу мамлакатга топширилиши лозим бўлган Италия мол-мулкларининг миқдорини СССР, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франциянинг Римдаги элчилари томонидан белгиланишини таклиф этади.

Комиссия сулҳ шартномаси лойиҳасининг бу моддасини муҳокама қилишни бошқа мажлисга қолдирди.

Шундан кейин комиссия 65-нчи моддани ма'қуллади ва Бирлашган миллатлар ҳамда уларга қарашли гражданларнинг Италияда бўлган ва уруш вақтида қўлидан кетган ёки шикастланган мол-мулклари учун Италиянинг ҳақ тўлашига доир 68-нчи моддани муҳокама қилишга киришди. Сулҳ шартномаси лойиҳасини тайёрлаган Ташқи ишлар министрлари кенгаши, бу масала юзасидан бир фикрга келмаганлиги аввал хабар қилинган эди. Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция етказилган зарарларни тўла ундириб олишни талаб қилдилар. Совет делегацияси етказилган зарарларни учдан бири миқдорида я'ни қисман ундириб олишни ёқлаб гапирди.

Бугунги мажлисда Буюк Британия вакили ўз фикрини қувватлади ва Бирлашган миллатлар ҳамда уларга қарашли гражданларнинг Италиядаги мол-мулкларига етказилган зарарларни тўла ундириб олишни талаб қилди.

***

Венгрияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўручи комиссия Чехословакия делегациясининг Чехословакия блан Венгрия ўртасида аҳоли айрибошлаш тўғрисидаги таклифини яна муҳокама қилди.

Югославия, Белоруссия ва Украина вакиллари Чехословакия делегациясининг таклифини қувватладилар. Белоруссия ва Украина вакиллари Польша республикаси блан ҳар икки совет республикаси ўртасида аҳолини айрибошлаш соҳасидаги ижобий тажрибани асос қилиб кўрсатдилар.

Масала жуда равшан бўлишига ва Чехословакия делегациясининг таклифларини асослаш учун келтирилган далилларнинг жуда тўғрилигига қарамай, Буюк Британия вакили бу таклиф сулҳ шартномаси лойиҳасининг текстига киргизилишига қарши гапирди.

Чехословакия вакили Масарик ўз нутқида Чехословакия делегациясининг таклифини ҳимоя қилиб, Чехословакия делегацияси совет вакили Вишинский комиссиянинг аввалги мажлисида Чехословакия блан Венгрия ўртасида аҳоли айрибошлаш тўғрисидаги масалани «жуда яхши ва равшан баён қилганлиги» учун унга ташаккур изҳор қилади, деди. Масарик «Вишинский эксперт ва дўст сифатида гапирди» деди.

Комиссия Чехословакия делегациясининг таклифини кичик комитетга топширишга қарор қилди.

Шундан кейин, комиссия Венгрия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг 5-нчи, 6-нчи 7-нчи 8-нчи ва 9-нчи моддаларини ҳеч тузатиш киргизмай, якдиллик блан ма'қуллади. 5-нчи модда Венгрия зиммасига ҳарбий жиноятлар қилишда айбли деб топилган кишиларни ушлаб бериш учун зарур чоралар кўриш мажбуриятини юклайди. 6-нчи модда Венгрия зиммасига Италия, Булғория, Румония ва Финляндия блан тузиладиган сулҳ шартномалари, шунингдек Австрия, Германия ва Япония блан тузиладиган сулҳ шартномаларини таниш мажбуриятини юклайди. 7-нчи модда сулҳ шартномаси кучга кирган пайтдан бошлаб, Венгрия блан Румония ўртасидаги уруш ҳолати тўхтатилади деб э'лон қилади. 8-нчи модда Венгрия зиммасига Миллатлар иттифоқини ва доимий халқаро суд палатасини, шунингдек Римдаги халқаро аграр институтни тугатиш йўлидаги тузилган ёки тузилиши мумкин бўлган битимларни таниш мажбуриятини юклайди. Ниҳоят, 9-нчи модда урушдан аввал Венгриянинг турли давлатлар блан тузган шартномаларини қайтадан кўриб чиқиш ва рўйхатга олиш тартибини белгилайди.

Крайова Рада Народованинг XI сессияси

Польша сеймига сайловлар тўғрисидаги низом лойиҳасини муҳокама қилиш

ВАРШАВА, 23 сентябрь (ТАСС). Польша сеймига сайловлар тўғрисидаги низом кеча Крайова Рада Народова сессиясининг муҳокамасига киритилди. Лойиҳага мувофиқ, республиканинг сайловлар ўтказиш тўғрисидаги қонун э'лон қилинган кунгача 21 ёшга кирган барча гражданлари, қайси жинсга мансуб бўлишига қарамай, сайлов ҳуқуқидан фойдаланади. Польшада демократик тузумни йиқитишга уринаётган махфий фашист ташкилотлар ёки босмачи тўдалар блан ҳамкорлик қилган кишилар, шунингдек суд ҳукми блан ҳуқуқдан маҳрум этилган (суд ҳукми бекор қилинмаган) кишилар, шунингдек Польшада озчиликни ташкил қилган немислар овоз беришда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этиладилар. Сеймга Польша республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган ва 25 ёшга кирган ҳарбир граждани сайлана олади. Давлат сайлов комиссияси оккупация даврида мамлакатда ёки муҳожирликда раҳбарлик вазифаларида ишлаган, босқинчиларга қарши қуролли кураш олиб боришга қаршилик кўрсатган кишиларни сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин.

Сеймга 444 депутат сайланади. 372 депутатни сайлаш учун республиканинг территорияси сайлов округларига бўлинади. 72 депутат давлат рўйхатлари блан сайланади. Ҳарбир сайлов округи тахминан, 3.000 аҳолига сайлов участкаларига бўлинади. Сайловлар вақтини Крайова Рада Народова президиуми белгилайди. Овоз бериш бутун мамлакатда бир вақтда ўтказилади.

Давлат сайлов комиссияси сайлов куни белгиланганидан кейин, икки кун ичида тузилиши керак. Сайлов округида депутатликка номзод қилиб кўрсатилган кишиларнинг номи сайловлар бошланишидан камида 30 кун илгари ёзма тарзда округ сайлов комиссияси раисига тақдим этилади.

Овоз бериш сайлов бюллетени ташлаш йўли блан ўтказилади. Сайлов бюллетенига фақат номзод рўйхатининг рақами сўз ёки сон блан ёзилади.

Ҳарбир сайлов округида Польша Қўшинлари учун сайлов участкалари ажратилади.

Ҳарбир сайловчи сайловларнинг натижаси э'лон қилинганидан кейин етти кун муддат ичида депутат сайловларига ёки сайловларнинг қонуний бўлишига қарши норозилик билдира олади. Сайловлар бекор қилинган тақдирда, Давлат сайлов комиссияси 14 кун мобайнида сайловлар бекор қилинган округ ёки участкада янги сайловлар тайинлайди.

Польша ишчилар партиясининг (ППР) депутати Клишко сайловлар тўғрисидаги низом лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этиб айтдики, сайловлар тўғрисида кичик комиссияда қабул қилинган низом лойиҳаси 1921 йилги конституцияга ва сайловлар тўғрисида 1922 йилда чиқарилган низомга асосланади. Низом лойиҳасини тузишда эркин ва мони'сиз сайловларни та'минловчи бешта асосий принцип, чунончи умумий, тенг, яширин, тўппа-тўғри ва мутаносиб овоз бериш принциплари асос қилиб олинди. Низомга биноан, деди Клишко, Польша Қўшинлари биринчи марта сайловларда иштирок қилади.

Миколайчик партияси — Польске стронництво людове (ПСЛ) партияси сайловлар тўғрисидаги низом лойиҳасига қаттиқ ҳужум қилди. Депутат Войцик (ПСЛ бош кенгашининг секретари) ўз нутқида низом лойиҳаси 1921 йилги конституция принципларини бузади деб да'во қилишгача бориб етди. ПСЛ фракцияси, деди у, махфий суратда ишлаётган фашистлар блан алоқа қилучи кишиларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этишга қарши чиқади. Войцик янги сеймда Польшанинг ғарбий ерлардаги аҳоли вакилларига 100 депутатлик ўрин берилишига қарши норозилик билдирди. Бу сўз, депутатларни жуда ғазаблантирди.

ПСЛнинг иккинчи вакили Зеленский ҳам демократияга қарши шу руҳда гапирди.

Сессияда Польша социалистлар партияси (ППС) депутати Русинек ва стронництво людове депутати Вильяновский ўз нутқларида бу партияларнинг депутатлари сайловлар тўғрисидаги низом лойиҳасини тамомила ма'қуллаганини, бу низом чинакам эркин, демократик ва мони'сиз сайловлар ўтказишни та'минлаганлигини айтдилар.

Крайова Рада Народова сессиясининг кечки мажлисида сайловлар тўғрисидаги низом юзасидан музокаралар давом этди. Депутат Арчинский (стронництво демократичне), шунингдек Види-Вирский (стронництво праци) ўз фракцияларининг низом лойиҳасини якдиллик блан ма'қуллаганлигини айтдилар.

— Ҳозир биз муҳокама қилаётган сайлов қонуни, — деди Арчинский, — Польша парламентини фашист унсурлар суқилиб киришидан ҳимоя қиладиган ғовдир, деди.

Депутат Рек айтдики, «нове вызволене» ПСЛ тўдаси (польское стронництво людове) низом лойиҳасини ма'қуллайди. У ПСЛ раҳбарларининг халққа қарши хатти-ҳаракатини қаттиқ танқид қилди. ПСЛнинг Миллий бирлик ҳукуматига кирган раҳбарлари, — деди Рек, — астойдил ишлаш ўрнига, Лондондан йўл-йўриқ келишини кутдилар. Аслда, ишга саботажлик қилдилар. Улар халқ ўртасида ҳукуматга ишончсизлик туғдирмоқчи бўлдилар. Рек, сайловлар тўғрисида ПСЛ фракцияси таклиф этган низом лойиҳасига тўхталиб, бу лойиҳа босқинчилар блан ҳамкорлик қилган кишиларга сайлов ҳуқуқи беради, деди.

Польша ишчилар партияси (ППР) фракциясининг вакили депутат Беньковский сессияда қизиб кетган музокараларни та'рифлаб бундай деди: «Биз ПСЛнинг Польша ишчилар партиясига қаттиқ ҳужум қилаётганлигини кўриб турибмиз. Бу — икки лагерь, я'ни Лондондаги поляк муҳожирлари лагери блан Польшадаги демократик лагери ўртасидаги курашнинг сўнгги даврдир». Беньковский ўз сўзининг охирида ППР депутатлар фракцияси сайловлар тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун овоз беражагини айтди.

Шундан кейин, президент Берут сайловлар тўғрисидаги низом лойиҳасини овозга қўйди. ПСЛнинг талабига биноан, номманом овоз берилади. Натижада 306 депутат сайловлар тўғрисидаги низомни ёқлаб ва 40 депутат қарши овоз беради. Сайловлар тўғрисидаги низом тасдиқланади.

ВАРШАВА, 23 сентябрь (ТАСС). Бугун кечқурун Крайова Рада Народова сессияси ўз ишини тамомлади.

Крайова Рада Народова президенти Берут сессияни ёпиб, қабул қилинган қарорларнинг ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини айтди. Бу қарорлар мамлакатни тиклаш ва халқни бирлаштириш соҳасида бундан кейин олиб бориладиган ишларга катта та'сир кўрсатиши лозим. Айрим партияларнинг фикрлари хилма-хил бўлишига қарамай, қарорлар якдиллик блан қабул қилинди. Қабул қилинган қарорлар мамлакатни тиклаш ва ривожлантириш соҳасида ҳукумат ва Крайова Рада Народова томонидан белгиланган йўл тўғри эканлигини кўрсатади. Бу ерда бир нарсани айтиб ўтиш кераки, деди Берут, биз ички ишларимизни ҳал қилишда ташқаридан ҳечқандай ёрдамга муҳтож эмасмиз. Поляк халқи минг йиллик тажрибага эга ва ўз олдида турган вазифаларни иттифоқчиларимиздек, бемалол уддалай олади. Крайова Рада Народованинг ҳозирги сессияси, деди Берут, афтидан сўнгги сессия бўлса керак. Берут, Раданинг уч йил мобайнида қилган ишларига якун ясаб, унинг ватан ва халққа яхши хизмат қилганлигини, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ишчилар, деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигентларнинг ролини мумкин қадар юқори кўтаришга интилганлигини айтди. Шубҳа йўқки, деди Берут, поляк халқи келгусида ҳам шу йўлдан боради. Ҳозир бошланиб кетган сайлов кампанияси, деди Берут, мамлакатни тиклашга ёрдам бериши, халқнинг кучларини бирлаштириши ва мустаҳкамлаши керак.

Берут депутатларни ана шу принципга садоқатли бўлишга чақирди.

Ҳамма депутатлар ўринларидан туриб президентни қаттиқ олқишладилар.

Александр Верт саволларига ўртоқ И. В. Сталиннинг берган жавоблари ҳақида чет элларда баён қилинган фикрлар

АНГЛИЯ

ЛОНДОН, 24 сентябрь (ТАСС). Англиядаги кечки газеталарнинг ҳаммаси «Сандей таймс» газетаси Москва мухбири Александр Вертнинг саволларига ўртоқ Сталиннинг берган жавобларини биринчи саҳифаларида кўзга кўринарли ўринда босиб чиқардилар. Рейтер агентлигининг дипломатик обзорчиси ёзади: Генералиссимус Иосиф Сталиннинг «ҳақиқатан ҳам «янги уруш» хавфи» борлигига ишонмайман деган гапи, уруш тамом бўлганидан буён ўтган бир йил ичида иттифоқчи давлат арбобининг ташқи сиёсат тўғрисида айтган ва кишиларни руҳлантирадиган ягона гапи дейиш мумкин.

Рейтер агентлиги обзорчисининг фикрига қараганда, Лондондаги сиёсий обзорчилар мусоҳабанинг икки моддасига, я'ни совет ҳукуматининг Германиядаги сиёсати ҳақида берилган жавобга ва Совет Иттифоқининг кучларига чуқур ишонч билдириб, айтилган гапларга айниқса катта э'тибор бермоқдалар. Жавобларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқининг кучига маҳкам ишонч руҳи блан суғорилган.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 сентябрь (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» ва «Нью-Йорк геральд трибюн» газеталари инглиз мухбири Александр Вертнинг саволларига ўртоқ И. В. Сталиннинг берган жавоблари тўғрисидаги хабарни босиб чиқариш учун биринчи саҳифаларини ўзгартирдилар. Бу ахборот кечаси олинганидан, у газеталарнинг кейинги сонидагина босилиши мумкин эди. Ҳар икки газета бу ахборотни И. В. Сталиннинг ҳозирги вақтда ҳақиқатан ҳам «янги уруш» хавфи йўқ, деган баёнотига асосланган сарлавҳалар блан э'лон қилдилар. Ассошиэйтед Пресс агентлиги ва Юнайтед Пресс агентлиги ўртоқ Сталиннинг жавоблари жуда кеч олиниб, газеталарнинг эрталабки сонида босиб чиқариш иложи бўлмаса ҳам, ўртоқ И. В. Сталин жавобларининг тўла текстини дарҳол тарқатдилар.

НЬЮ-ЙОРК, 24 сентябрь (ТАСС). Кечки газеталар «Сандей таймс» газетаси Москва мухбири Александр Вертнинг саволларига ўртоқ И. В. Сталиннинг берган жавоблари тўғрисидаги ахборотни катта сарлавҳалар блан босиб чиқардилар. Газеталарнинг сарлавҳаларида И. В. Сталиннинг ҳақиқатан ҳам «янги уруш» хавфи борлигига ишонмаганлиги та'кидланади.

«Нью-Йорк пост» газетаси биринчи саҳифасининг ярмини эгаллаган сарлавҳада бундай деб ёзади: «Сталин янги уруш хавфи бор деб ўйламайди».

«Нью-Йорк жорнэл энд Америкэн» газетасининг сарлавҳасида бундай дейилади: «Бош Министр Сталин айтадики, ҳақиқатан ҳам уруш хавфи йўқ. У, атом бомбаси блан ғалаба қилиш мумкин эмас, дейди. У, Қўшма Штатларни Хитойдан ўз армиясини олиб чиқиб кетишга да'ват қилади».

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ, 24 сентябрь (ТАСС). Париж радиоси «Сандей таймс» газетаси мухбирига ўртоқ Сталиннинг берган жавоблари тўғрисидаги ахборотида ўртоқ Сталин Совет Иттифоқи блан ғарбий демократия ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик бўлиши мумкин деб ҳисоблаганлигини алоҳида та'кидлайди. Хитойдаги аҳвол тўғрисида берилган саволга Сталин жавоб қайтариб айтдики, мен келгусида тинчлик бўлиш учун ҳозирги вақтда Хитойда бўлган Америка қўшинларини олиб чиқиб кетиш зарур деб ҳисоблайман.

ПАРИЖ, 24 сентябрь (ТАСС). Бугун Парижда чиқадиган кечки газеталарнинг ҳаммаси Сталиннинг «Сандей таймс» газетаси Москва мухбири блан қилган мусоҳабасини кўзга кўринарли ўринларда э'лон қилди. Бу мусоҳаба ҳаммани қизиқтирмоқда.

Газеталар Сталиннинг мусоҳабасини ҳеч шарҳламай, босиб чиқардилар.

ШВЕЦИЯ

СТОКГОЛЬМ, 24 сентябрь (ТАСС). Швеция радиоси «Сандей таймс» газетаси Москва мухбирининг саволларига ўртоқ И. В. Сталин берган жавобларининг мазмунини ва бу жавоблар ҳақидаги фикрларни бирнеча марта батафсил эшитдирди.

ТУРКИЯ

АНҚАРА, 24 сентябрь (ТАСС). Анқара радиоси Лондон радиосига асосланиб, «Сандей таймс» Москва мухбири Александр Вертнинг саволларига ўртоқ И. В. Сталин қайтарган жавобларининг мазмунини батафсил эшитдирди.

Хавфсизлик Кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 24 сентябрь (ТАСС). Хавфсизлик Кенгашининг кечаги мажлисида совет вакили Громико душман бўлмаган мамлакатлар территориясида Америка, Англия қўшинлари ва бошқа давлат қўшинларининг сақланиши халқаро миқ'ёсда жиддий низо'ларга олиб келиши мумкин бўлган вазиятни вужудга келтиради, деди. Громико Хитой, Исландия, Панама ва Бразилияда Америка қўшинларининг борлигини ҳамда Миср, Индонезия, Ироқ ва Грецияда инглиз қўшинларининг борлигини Кенгашнинг э'тиборини талаб этадиган мисол қилиб кўрсатди. Громико ана шу ва бошқа мамлакатларда шунга ўхшаш қўшинларнинг борлиги ва уларнинг фаолияти мазкур мамлакатларнинг ички ишларига аралашишни кўрсатиш блан бирга, бу ҳол халқаро тинчлик ва хавфсизлик масаласи блан ҳам боғланганлигини исбот қиладиган кўп далиллар келтирди. Шу сабабдан, Громико Кенгашга мурожаат қилиб, уни Совет Иттифоқининг таклифини қараб чиқиш ва ма'қуллашга чақирди. Бу таклиф шундан иборатки, Кенгаш Бирлашган миллатлар ташкилотининг а'золарига душман бўлмаган мамлакатлар территориясидаги ўз қўшинлари ва бошқа қуролли кучларининг сони ҳамда жойланиши ҳақида ахборот топширишни таклиф қилиши керак.

Англия вакили Кадоган Совет Иттифоқининг таклифини ҳатто қараб чиқишга ҳам қарши э'тироз билдирди. Америка Қўшма Штатларининг вакили Жонсон, Австралия вакили Хэзляк, Голландия вакили ван Клеффенс ва Бразилия вакили Веллозо унинг сўзини қувватладилар. Кадоган, Кенгаш бу масалани муҳокама қилмаслиги керак, чунки Совет Иттифоқи бу масалани «пропаганда мақсадида» ўртага қўйди деб да'во қилди.

Громико бу гапга жавобан айтдики, Кенгаш олдига Англияни ноқулай аҳволда қолдириши мумкин бўлган масала қўйилиши бланоқ, инглиз вакиллари дарҳол «пропаганда тўғрисида» шовқин-сурон кўтарадилар.

Кенгаш мажлиси бу масалани рўзномага киргизиш тўғрисида қарор чиқармай ёпилди. Шу мажлисдаги музокаралар давомида Польша вакили Ланге Громиконинг бу масалани рўзномага киргизиш тўғрисидаги таклифини қувватлади.

НЬЮ-ЙОРК, 24 сентябрь (ТАСС). 24 сентябрьда Хавфсизлик Кенгаши Совет Иттифоқининг Кенгаш Бирлашган миллатлар ташкилоти а'золарига душман бўлмаган мамлакатлардаги ажнабий қўшинларнинг миқдори ва уларнинг жойланиши тўғрисида ахборот топширишни таклиф қилсин, деган таклифини Хавфсизлик Кенгаши қараб чиқиши керакми, деган масалани муҳокама қилиш давом этди.

24 сентябрьдаги мажлисда даставвал Миср вакили Фаузи чиқиб сўзлади. У, айтдики, Миср инглиз қўшинларининг Мисрдан олиб чиқиб кетилишини истайди. Шу масала юзасидан Англия блан бўлаётган музокаралар муваффақиятсиз тамом бўлса, Миср бу масалани далиллик блан Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига қўяди.

Франция вакили Пароди айтдики, ўз ҳукуматим блан маслаҳатлашмай туриб, ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг таклифини рўзномага киргизиш масаласида муайян бир йўл тутолмайман.

Мексика вакили Нерво Совет Иттифоқининг таклифига қарши гапирди ва бу таклифни рўзномага киритишга қарши чиқажагини билдирди.

Хитой вакили Ся ҳам шу руҳда гапирди.

Шундан кейин, Польша вакили Ланге сўзлади. У Совет Иттифоқининг таклифи муҳокама қилинмайдиган бўлса, бу ҳол жиддий оқибатларга сабаб бўлади, деб Кенгашни қат'ий огоҳлантирди.

Кадоганнинг 23 сентябрьда Совет Иттифоқининг баёноти сиёсий пропаганда мақсадларини кўзда тутади, деб айтган гапларига жавобан, Ланге айтдики, бу эски ярамас бир далилдир, сўз эркинлигига йўл қўймаслик лозим бўлган пайтда доим ана шундай ярамас далилдан фойдаланадилар. Ланге айтдики, Бирлашган миллатлар ташкилоти а'золарининг ўзлари зарур деб ҳисоблаган масалалар юзасидан Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилганларида, уларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш учун ҳозирда ҳам ана шу далилни суиисте'мол қилмоқдалар. Америка Қўшма Штатларининг вакили Жонсон бундай деди: мен Совет Иттифоқининг таклифини Кенгашнинг рўзномасига киргизишни ёқлаб овоз беролмайман, чунки бу таклифда уставнинг бирор махсус боби кўрсатилмайди. Жонсоннинг да'восича, бу таклиф «ажнабий қўшинлар бўлган мамлакатларни ҳам ёки бу мамлакатларга ўз қўшинларини юборган мамлакатларнинг ҳам талабларини қондиролмайди».

Австралия вакили Хэзляк Совет Иттифоқининг вакили Хавфсизлик Кенгаши 34-нчи моддага мувофиқ қараб чиқиши мумкин бўлган тарздаги вазиятни тасвирлаб бермади, деб да'во қилди ва шу сабабдан Австралия ана шу масалани рўзномага киргизишга қарши овоз беражагини айтди.

Шундан кейин, Громико яна сўзга чиқди. У, Совет Иттифоқининг таклифини Хавфсизлик Кенгашида қараб чиқишни талаб этадиган асосий далилларни келтирди.

Музокаралар тамом бўлганидан кейин, Громико Совет Иттифоқининг таклифини рўзномага киргизиш масаласини овозга қўйишни Кенгашдан илтимос қилди. Етти вакил бу таклифни рўзномага киргизишга қарши овоз берди, икки вакил рўзномага киргизишни ёқлаб овоз берди. Кенгашнинг навбатдаги мажлиси 26 сентябрьда бўлади. Бу мажлисда Кенгашнинг Бош Ассамблеяга топширадиган доклади муҳокама қилинади.

ПАРИЖ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТЕВАРАГИДА ЯНГИ НАЙРАНГ

ПАРИЖ, 23 сентябрь (ТАСС). Италия бош министри де Гаспери яқинда Римда бир баёнот чиқариб, Италия вакиллари Триест масаласини бартараф қилиш учун Парижда Югославия вакиллари блан бевосита музокара бошлайдилар деган эди.

Броқ, Парижда иккала мамлакат вакилларининг биринчи учрашувидаёқ Италия вакилларининг бу музокараларни олиб бориш учун, ўз ҳукуматидан ваколат ҳам, бу тўғрида ҳукуматнинг йўл-йўриқлари ҳам йўқлиги аниқланди.

Шу блан бирга конференция йўлакларида айтилишича, Париж конференциясидаги муайян доиралар Италия вакиллари блан Югославия ўртасидаги бевосита музокаралардан Триест масаласини конференцияда муҳокама қилишни кечиктириш учун баҳона сифатида фойдаланмоқчи бўладилар.

Конференция доираларида айтилишича, Триест тўғрисидаги масалани ҳал қилишни кечиктириш «низо'ли» районда бундан буён ҳам инглиз-америка қўшинларини сақлаш тўғрисидаги истакларга жавоб беради.

ПЕППЕР ВА УОЛЛЕС ТА'ҚИБ ЭТИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 25 сентябрь (ТАСС). Демократлар партияси Миллий комитети нотиқлар бюросининг раиси, вакиллар палатасининг а'зоси (Алабама штатидан) Спаркмен 21 сентябрьда Вашингтонда қуйидагиларни айтди: сенатор Пеппер сайлов олди кампанияси вақтида демократлар партияси номидан чиқиб сўзлаши лозим бўлган нотиқлар рўйхатидан ўчирилди. Спаркмен бундай чорага шуни сабаб қилиб кўрсатдики, демократлар партияси Трумэннинг ташқи сиёсатига қарши, ёки шахсан Трумэннинг ўзига қарши гапиручи нотиқларни қувватлашни истамайди.

Спаркмен 22 сентябрьда сайлов олди кампаниясида сўзлайдиган нотиқлар рўйхатидан Уоллеснинг ҳам номини ўчирди. Аммо, Спаркмен 22 сентябрьда радио орқали нутқ сўзлаб, Пеппер ва Уоллес шу кузда демократлар партиясини ёқлаб кампания олиб борадилар, деб ишонч билдирди. Спаркмен айтдики, демократлар партияси нотиқлар бюроси «партиядаги ички ихтилофлар натижасидагина» Уоллес блан Пепперга расман ёрдам беришдан воз кечади, аммо, бундан улар демократлар партиясининг а'зоси бўлмайдилар, деган ма'но келиб чиқмайди.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Таллагасидан (Флорида штатидан) билдиришига қараганда, 22 сентябрьда Пеппер бундай деган: бу қарор прогрессив раҳбарлик бўлишини истаган ҳамма кишиларни «тозалаш» нияти борлигини кўрсатса керак. Пеппер айтдики, нотиқлар рўйхатидан ўз номимнинг ўчирилиши менинг планларимга та'сир қилмайди, чунки айрим штатлардаги демократик партия комитетлари ва партиянинг отоқли арбоблари қўлимдан келганидан ҳам ортиқ даражада нутқ сўзлашга чақирдилар. Пеппер Трумэннинг шахсига ҳечқачон ҳужум қилмаганлигини, аммо, раҳбарликнинг сиёсатига қўшилмаган тақдирда, бу сиёсатни доим дадил танқид қилишини айтди. Пеппер либерал арбобларни демократлар партиясини либераллар партиясига айлантириш ва учинчи партия тузмасликка ҳаракат қилишга доим да'ват қилиб келганлигини сўзлади. Унинг айтишича, ҳарқандай учинчи партия ҳалокатга маҳкумдир.

ШАНХАЙДА ФАБРИКАЛАР КЎПЛАБ ЁПИЛМОҚДА ВА ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

ШАНХАЙ, 25 сентябрь (ТАСС). «Ляньхованьбао» газетасининг билдиришига қараганда, кейинги 2 ҳафта ичида Шанхайда хитойларнинг кўп фабрикалари яна ёпилди. Газета ёзади: Шанхайдаги хитой саноати тамомила барбод бўлиш олдида турибди, чунки бу саноат Америкадан кўп миқдорда келтирилаётган арзон моллар блан рақобат қилолмайди.

ХРОНИКА

БЕЛГРАД, 25 сентябрь (ТАСС). Ироқдаги совет миссияси «Қозоғистон киноконцерти» ва «Москва Қизил майдонида физкультурачилар паради» (1945 йил) деган совет кинофильмини кўрсатди. Бу фильмларни 300 га яқин киши, шу жумладан отоқли давлат ва жамоат арбоблари ва матбуот вакиллари тамоша қилдилар.

ГАРРИМАН САВДО МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАНДИ

ВАШИНГТОН, 24 сентябрь (ТАСС). Трумэн Америка Қўшма Штатларининг Англиядаги элчиси Гарриманни Уоллес ўрнига савдо министри этиб тайинлаганлигини э'лон қилди.

Мас'ул муҳаррир
С. РАЖАБОВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА ТЕАТРИДА — 27 сентябрьда Бой ила хизматчи, 28 сентябрьда Олеко Дундич.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОТ-ФРОНТ» — Кўк тоғ, 28 сентябрьдан Буюк бурилиш; «НАВОИЙ» — Фил ҳайдовчи бола; «9-нчи МАЙ» — Аршин мол олон, 28 сентябрьдан Озод қилинган ер; «ОКТЯБРЬ» — Сильва; «ВАТАН» — Оқ тиш; СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ КИНОТЕАТР — Балерина, 28 сентябрьдан Тоҳир ва Зуҳра (рус тилида); «ХЕВА» — Оқ тиш; «ИСКРА» — Оқ тиш; «УДАРНИК» — Аршин мол олон; «ТЕЛЬМАН» — Кўк тоғ, 28 сентябрьдан Руслан ва Людмила; «ПОБЕДА» — Суворов; «ВЕСНА» — Дубровский, 28 сентябрьдан Ажойиб табиатли қиз.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун иккала залда Икки жангчи; «НОВОСТИ ДНЯ» — кундуз ва кечқурун Тоҳир ва Зуҳра; «ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ» — кундуз ва кечқурун Ўн учлар, 28 сентябрьдан Александр Пархоменко.

ЎЗБЕКЧА СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНАДА ЁЗУВ КУРСИ
хотин-қизлардан
ЎҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқучиларга стипендия ва бошқа енгилликлар берилади.

Керакли справкалар тўғрисида курс дирекциясига эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача учрашилсин.

Курснинг адреси: Воскресенский переулок блан Красноармейский кўчалар бурчагида, 1-нчи уй. (8-нчи Март номли 88-нчи рус мактаби биносида). 1, 4, 10 11 ва 12-нчи трамвайларнинг «Семашко» остановкаси, 2 ва 3-нчи трамвайларнинг «Воскресенский» остановкаси.

Тошкент шаҳар, Сталин район, 13 бўлим халқ суди билдирадики, С. Юнусхўжаевнинг Н. С. Ханноновадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар, Фрунзе район, 30 бўлим халқ суди билдирадики, З. Я. Ширинкинанинг В. А. Ширинкиндан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Муқимий номидаги
Ўзбек давлат музикали драма ва комедия театри
ТЕАТР СТУДИЯСИГА
(актёрлик-ашула ва балет бўлимларига)
ЎҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Студияга 7 йиллик мактаб ҳажмида ма'лумотли, овозли ва рақсга қобилиятли, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган эркак ва хотин-қизлар қабул қилинади.

Кирувчилар махсус ва умумий фанлардан синаладилар.

Махсус фанларга қуйидагилар киради: 1) асардан парча ва бирор ше'р ўқиш, 2) саҳна этюди, 3) ашула, 4) рақс, 5) диққат, хотира, эшитиш қобилиятини ва музикага қобилиятни синаш.

Ўқучиларга ойига 250 сўм миқдорида стипендия ва гарантияли та'минот берилади.

Аризалар театр идорасида ҳар куни эрталаб соат 10 дан кеч 5 гача қабул қилинади.

Театрнинг адреси: Навоий кўчаси, 69-нчи уй. Телефон — 33907, 33418.

Тошкент шаҳар «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» босмахонаси. Тиражи 64,5 минг. № 84. Р. 06509.